



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

ШАНБА  
СОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ  
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРАН  
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 10 (9756).

1990 йил 13 январь

Баҳоси 5 тийин.



ВИЛЬНЮС. 11 январь. В. И. Ленин номли майдондаги учрашув.

ТАСС махус мухбирлари Э. ПЕСОВ ва А. ЧУМИЧЕВлар телесурати.

## АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ ЮБИЛЕЙИ

Ўзбек реалистик насрининг асосчиларидан бири Абдулла Қодирий (Жулқунбой) қисмати фожиаи бўлди. У Сталинча қатагон даврининг қурбони бўлган эди, эндиликда ёзувчи кўп миллатли совет адабиётида мўтабар ўринни эгаллаб турибди. Ўзбек тарихий романапислигини биринчи бўлиб бошлаб берган санъаткорнинг исми-шарифи ва ижоди китобхон ва халқнинг бебаҳо бойлигига айланди. Унинг «Ўтган кунлар» ва «Меҳробдан чаён» романлари неча ўн марталиб нашр этилди, мамлакатимиздаги кўпгина қардош халқларнинг тилларига таржима қилинди, чет элларга ҳам ёйилди, ҳануз адабиётшунослар ва ўқувчиларнинг меҳрини қозониб келмоқда. 12 декабрь куни ёзувчининг 95 йиллигига бағишлаб Тошкентда бўлиб ўтган тантанали кеча ҳам Абдулла Қодирий ижодининг умрбоқийлигидан далолат бериб турибди.

(Давоми 2-бетда).

## ВИЛЬНЮС МЕҲНАТКАШЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВЛАР

ВИЛЬНЮС, 11 январь. (ТАСС махус мухбирлари). КПСС Марказий Комитетининг бош секретари, СССР Олий Советининг Раиси М. С. Горбачев бугун бу ерга келди. Вильнюс аэропортида уни КПСС Марказий Комитети Сийсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари В. А. Медведев, КПСС Марказий Комитети Сийсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР Давлат план комитетининг Раиси Ю. Д. Маслюков,

Литва Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Браздукас, КПСС дастурига амал қилувчи Литва Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Бурокявичюс, республика Олий Совети Президиумининг Раиси В. Астрадаускас, Литва ССР Министрлар Советининг Раиси В. Сакалаускас кутиб олдилар. М. С. Горбачев билан бирга КПСС Марказий Комитетининг секретари, «Правда» газетасининг бош редактори И. Т. Фролов келди. Аэропортдан Вильнюсга бо-

радиген йўлда шаҳар аҳли Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг раҳбари, Совет давлатининг бошлигини сажимий кутди.

М. С. Горбачев Вильнюс марказий майдонида В. И. Ленин ҳайкали пойига гуллар қўйди. Бу ерда бўлиб ўтган суҳбатларда одамлар мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлаб гапирдилар. Улар КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг вазиятни жойининг ўзида ўрганиш ва ҳозир республика меҳнатчилари қан-

дай ўй-ташвишлар билан яшаётганликларини тушунишга ҳаракат қилиш учун пленум қатнашчилари группасига Литвага сафар қилишни топшириш тўғрисидаги қароридан мамнунлик изҳор қилдилар.

Сўнгра М. С. Горбачев ёнилги аппаратлари заводига йўл олади. Бу корхона маҳсулотларини мамлакатдаги кўпгина тракторсозлик конвейерларида билдилар ва кутмоқдалар. Бу ерда кўп миллатли коллектив меҳнат қилмоқда: коллективнинг 30 фойзи поляклардан, 29 фойзи литвалликлардан,

20 фойзи руслардан иборат, белоруслар ва бошқа диллат вакиллари ҳам кўп. Уларнинг ҳаммаси ўз корхоналари ишдан, Литвада юз берган мурраккаб вазиятдан баравар ташвишланмоқдалар.

М. С. Горбачев завод цехларида ишчилар ва хизматчилар билан суҳбатлашди, завод клубида меҳнат коллектив вакиллари билан учрашди.


М. С. Горбачев кечкурун Матбуот уйида республика ижодкор зивилларининг вакиллари билан учрашди.

### МИНГ ХИЛ МАҲСУЛОТ

● «СОВПЛАСТИТАЛ» — СССРда биринчи совет — италиян корхонаси икки йилдан бери самарали ишлаб келмоқда. Дастлаб бу ерда 13 миллион сўмлик турли-туман кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқарилган бўлса ўтган йил бу ҳажми уч ярим баравардан зиёдроқ ортиб, 46 миллион сўмликка етди.

Ҳозирги вақтда корхонада тайёрланаётган маҳсулот тури минг хилдан ҳам ошиб кетди. Пластмассадан каттагина сиғимга эга бўлган рўзгор идишларидан тортиб турфа гуллар, жажжи ўғил-қизлар учун ўйинчоғу қўғирчоқлар, ҳатто турфа гуллар ҳам чиқарилмоқда. Маҳсулотнинг 4 фойзи қатор хоржий мамлакатларга экспорт қилиняпти. Бу йил халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш ҳажми яна 14 миллион сўмлик кўпайтириш назарда тутилмоқда.

М. МАҲМУДОВ.



### ЙЎЛОВЧИЛАР УЧУН

● Йўл қурилиши машиналари ремонтни заводи коллектив турли-туман машина-механизмларни қайта тиклаш билан шуғулланади. Айни вақтда бу ерда йўл қурилиши меҳнаткашларининг ишини энгиллаштиришга ёрдам берадиган янги ускуналар, мосламалар ҳам яратилади. Иждоқор ишчилар ўтган йил охирида «ВС-22 МС» маркали кўтаргичлар яратинган эди. Бу йилдан бошлаб уни ишлаб чиқаришга киришилди. Қуришда бунёдкорлар иши унумдорлигини оширувчи мазкур кичик механизмдан йил давомида кўплаб ишлаб чиқарилади ва йўлсозларга етказиб берилади.

Қ. ЖУМАҚУЛОВ.

### СУВ ХЎЖАЛИГИ ҚУРИЛИШЛАРИГА

● «ИРГИДРОМАШ» тажриба заводи шаҳардаги энг йириқ корхона ҳисобланади. Унинг кўп минг кишилик байналмилал коллективи жумҳуриятимиз сув хўжалиги ва унинг янги қурилишларининг катта ҳажмдаги буюртмаларини бажармоқда. Улар орасида қувватли насос станциялари агрегатларидан тортиб оддий эҳтиёт қисмлар ҳам бор.

Корхона бўлимларида ўн иккинчи беш йилликнинг сўнги йилини яхши яқунлаш учун мусобақа қўзғини бошланиб кетди. Бу меҳнат беллашувида тажриба асбоб-ускуналар тайёрлаш корпуси коллективи олдинда бормоқда. Коллектив янги йилнинг биринчи ўн кунлигини дуруст яқунлади. Қўшимча сал кам уч минг сўмлик маҳсулот буюртмачиларга юборилди.

С. РУСТАМОВ.

Тошкент

Янгийўл

Нариманов

# Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетиде

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюроси «Мақтабни ислоҳ қилишда, халқ ҳужалиги учун кадрлар тайёрлаш ва тарбиялашни ташминлашда Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрининг раҳбар қўшниқларининг роли тўғрисида»ги масалани кўриб чиқди. Мутахассислар билан кенг маслаҳатлашмай ва жамоатчилик фикрини эътиборга олмаб, 1988 йил июлда республика халқ таълими бошқармаси структураси қайта тузилганлиги самарасиз бўлиб чиққанлиги бюро мажлисида қайд этилди. Уз атрофига турли характерда ишлайдиган ва пул билан ҳар хил тарзда таъминланадиган 13,7 мингта муассасани бириштирган бесўнақай, бошқариш оғир бўлган система вуҷудга келди. Бу система туб ўзгаришларни ташминлашга қодир эмаслиги аниқланди.

кўплаб учраб турибди. Уқув юрталарининг айрим раҳбарлари аниқ, изчил партиявий позицияда турмайтирилди, салбий ҳодисаларни баҳолашда принципаллик қилмаптилар. Министрлик олий ўқув юрталарида, техникумларда ва унарта техника билим юрталарида тарбиявий ишни йўлга қўйишга дуруст таъсир йўлғазмапти, ҳар томонлама камол топган шахсни воёга етказиш, ўқувчиларга ватанпарварлик ва байналмилаллик туйғуларини сингдириш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб иш олиб бормапти.

Аппарат партия ташкилоти министрликнинг ташкил этилишида ўз ўрнини толмаганлиги қайд этилди. Ишчанлик ва талабчанлик вазиятини қарор топтиришда, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда унинг роли паст. Партия йиғилишларида, бюро мажлисида министрлик раҳбар қўшниқларининг ўз хизмат ва устас вазифаларини қандай бажараётганлигини тўғрисидаги ҳисоботлари тингланмади. Партия бюроси партия интизомини бузиш, коммунистларнинг лоқайдлиги каби факторларга муроосазлик билан қарамоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюроси қабул қилган қарориде Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрининг республикада таълими ислоҳ қилишини бошқариш, КПСС Марказий Комитети 1988 йил февраль Пленуми қарорларини амалга оширишга раҳбарлик қилиш соҳасидаги фаолиятини қоникорса, деб баҳолади. Министрлик раҳбар коммунистларнинг иши етарли эмас ва хоэирги кун талабларига жавоб бермайди, деб топилди. Министр, КПСС аъзоси ўртоқ М. А. Зоилов ҳамин министрлик аппаратида жипслик ва ишчанлик, уюшқоқлик ва интизом, кадрларга нисбатан талабчанлик, тармоқдаги ама-

лий ўзгаришларга эришишга интилувчанлик вазиятини вуҷудга келтира олмаганлиги қайд этилди. Министр ўринбосарлари — коммунистлар С. Г. Махненко, Н. М. Науменко, А. Х. Нуриддинов, У. А. Усмонов, Х. К. Йўлдошев унчалик ташаббускор эмаслар, этилган муаммоларни ҳал этишнинг янгича йўлларини изламайдилар, министрликнинг иш услубидаги қўлдан-қўл камчиликларни кўра туриб, уларни тугатишда принципаллик кўрсатмаптилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюроси Ўзбекистон ССР Министрлар Советига министрликни тугатиш, халқ таълими системасини бошқаришнинг янги структурасини ташкил этиш, тармоққа раҳбарликни кадрлар билан мустаҳкамлаш масалаларини кўриб чиқишни топтирди.

Халқ таълимида вуҷудга келган вазият янгича ёндашувларни, ёшларга таълим бериш ва касб-кор ўргатиш даражасида туб ўзгаришларни талаб қилаётганини эътиборга олиб, Ўзбекистон ССР Министрлар Советига етакчи мутахассислар орасидан 2005 ва 2015 йилларгача республика халқ таълимини ривожлантириш, кадрларни мавжуд эҳтиёжларга мувофиқ тайёрлаш концепциясини ҳамда истеъдодли ёшларни аниқлаб, танлаб олишини, улар билан ишлашнинг давлат-жамоат система-си асосларини ишлаб чиқишдаги комиссия тузиш топтирилди.

Ижтимоий онгдаги ва аввало ёшлар орасидаги жараёнларни чуқурроқ ўрганиш мақсадида Тошкент шаҳрида СССР Фанлар академияси социологик тадқиқотлар институтининг филиалини барпо этиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш мақсада мувофиқ, деб топилди.

Қарорда тегишли министрликлар ва идораларга мам-

лакатининг ҳамда чет элларнинг етакчи ўқув ва илмий марказларига докторантлар, аспирантлар, стажерлар ҳамда студентлар юборишни кўпайтириш топтирилди.

Область партия комитетларига КПСС Марказий Комитети 1988 йил февраль Пленумининг қарорлари қандай бажарилаётганини таҳлил этиш асосида халқ таълимида амалий силжишларга эришишга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш, 1990 йилда амалга ошириш топтирилди. Авария ҳолатидаги ва яроқсиз мактабларни қисқа муддатларда тугатиш, иқтидорли ўқувчиларни аниқлаб, уларнинг қўбилиятларини ривожлантириш системасини ишлаб чиқиш ва ҳаракатга келтириш; айнқисқа қишлоқда мактабга тарбия муассасаларининг янгича шакллари жорий этишга — хонадонларда болалар боғчалари, уй-жой фондирининг бир қисминдан фойдаланиш ҳисобига барпо этиладиган мактабгача тарбия муассасаларининг филиалларини очиш зарурлигига эътибор қаратилди.

Мактабдаги ўринларни жадал қўлайтириш, ҳужаликларнинг жалб этиш мақсадида қишлоқ жойлариде камроқ болалар ўқийдиган ва бошланғич мактабларни устуи даражада қуришни ташминлаш, корхоналарда мактаб асбоб-ускуналарини тайёрлайдиган ва ремонт қиладиган участкалар, цехлар барпо этиш ва ажратиб қўйиш, бу ишга кооперативларнинг фаолиятини жалб этишни рағбатлантириш ва улар учун солиқ соҳасида енгилликлар бериш; меҳнат коллективларидан, граждандардан тушадиган маблағлар ҳисобига болаларга ёрдам район фондини вуҷудга келтириш соҳасида Тошкент шаҳар Куйбисhev районининг тажрибасини омаллаштириш муҳим, деб топилди.

Оммавий ахборот воситаларининг диққат-эътибори халқ таълими муаммоларини ва новатор педагогларнинг, энг яхши ўқув юрталарининг тажрибасини кенг ёритиш, партия ва ҳукуматнинг ўрта ҳамда олий мактабни қайта қуриш масалаларига оид қарорларни қандай бажарилаётганини ошқорлаш назорат қилишни ташминлаш зарурлигига қаратилди.

Янги тузилган Халқ таълими министрлиги ва унинг раҳбарлари фаолиятидаги жиғидий камчиликлар ҳам ислоҳотнинг қоникорсиз боришига сабаб бўлганлиги таъкидланди. Узлуksиз таълим системасини шакллантиришда сезиларли силжишларга эришилмади, олий мактаб, ишлаб чиқариш ва академия фанини бириштириш воситалари, кадрларни эҳтиёжларга ва регионларнинг хусусиятларига, фан-техника тараққиёти талабларига, Ўзбекистон ССРнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти тенденцияларига мувофиқ равишда тайёрлаш ва қайта тайёрлаш воситалари ишга солилмади. Янги тпдаги ўқув юрталарини барпо этиш иши суст бормоқда, кадрлар тайёрлаш юзасидан ўқув юрталари билан корхоналар ўртасидаги шартномалар юзаси тус олган, кейинги йилларда республика олий ўқув юрталарини пул билан таъминлашда министрлик ва идораларнинг улуш қўшиб қатнашиш ҳажми 25 миллион сўмдан 5 миллион сўмга тушиб қолди. Еш мутахассислардан улар таъминланган жойларда фойдаланиш масалалари ўз холига ташлаб қўйилган. Саноат учун кадрлар тайёрлайдиган ўқув юрталари туб миллат ёшлари билан ишлан-нин яхши йўлга қўйилган. Министрлик марказий илмий муассасаларда ва олий ўқув юрталарида, чет элларда олий ма-

лакали мутахассислар, илмий педагог кадрлар тайёрлашни кўпайтириш имкониятларини қидириб топмапти.

Тақшириш материалларидан маълум бўлишича, министрликни ташкил этиш бошқичида катта хатоларга йўл қўйилган. Уқув юрталарининг мустақиллигини кенгайтириш, жойларда министрлик билан халқ таълими идораларининг ҳуқуқлари ва вазифаларини аниқ белгилаб қўйиш масалалари ҳал этилмаган. Натижанда министрлик чуқур таҳлил ишлари билан шугулланиш, энг муҳим масалаларни ишлаб чиқиш ўрнига кундалик иқир-чиқир ишларга ўралашиб қолмоқда. Шу йилнинг 8 ойи мобайнида жойлардан 20 мингтадан кўпроқ ахборот ва ҳисобот олинган, уларнинг кўплари Давлат статистика комитети томонидан кўзда тутилмаган ахборот ва ҳисоботлардир. Жойларга 40 мингтага яқин қарор, фармойиш, кўрсатма юборилган. Министрликнинг тузилиши самарали эмас, унинг баъзи бўғинлари айнан бир хил масала билан шугулланади.

Кадрларни танлашда, жой-жойига қўйишда жиғидий янглишларга йўл қўйилган. Кадрларга гоъвий-сиёсий тарбия бериш иши бўшаштириб юборилганига алоҳида эътибор қаратилди. Педагоглар ва ўқувчилар орасида ҳуқуқ-тартиботни бузиш, ички-қўбозлик ҳоллари ҳали ҳам

## АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ ЮБИЛЕЙИ

(Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси правленийсининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Одил Ёкубов адибнинг ижодий мероси, унинг ўзбек совет адабиётининг шаклланиши ва тараққиётига қўшган ҳиссаси ҳақида доклад қилди. У Абдулла Қодирийи воқеликни теран ақс эттирган, Октябрь инқилоби даврини куйлаган забардаст ва ўзига хос романнавис бўлганлигини таъкидлади.

Кечада сўзга чиққан Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов, «Советский писатель» нашриётининг вакили А. О. Тамм, тожик адабиётшуноси, филологика фанлари доктори А. Сайдуллаев, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси тил ва адабиёт институтининг директори, Ўзбекис-

тон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Б. А. Назаров, «Муштум» журналининг бош муҳаррири Н. Аминов, ёзувчининг ўғли Маъсуд Абдуллаев ва бошқалар Абдулла Қодирий Авлоний, Айний, Ҳамза, Зиё Самд ва бошқа сўз санъаткорлари билан биргаликда ўзбек совет адабиётининг пойдеворини бунёд этганини таъкидлашди. Бу адибларнинг ҳар бири ўзбек адабиётида муносиб ўрин эгаллаб турибди ва уларнинг ижодий мероси адабиётимизнинг олтин фонди бўлиб қолди.

Қодирий ижоди шоирлар ва адибларнинг кейинги ағлодларига ҳам баракали таъсир этди. Абдулла Қоҳқор, Мухтор Аевзов, Берди Кербобоев ва кўп миллатли совет адабиётининг бошқа машҳур намоёндалари истеъдодли санъаткорнинг ижодига юсак ба-

ҳо берган эдилар. Абдулла Қодирий ўз асарлари билангина эмас, ноёб феъллатлари, ҳаётга муносабати, инсонийлиги билан ҳам ёш авлодга намунадир. Эндилқида Тошкент кўчаларидан бири улуғ ёзувчининг номи билан аталмоқда, Абдулла Қодирийнинг уй-музейини очиш ҳақида ҳам қарор қабул қилинди.

Кечада Ўзбекистон санъат усталари концерт қўйиб беришди.

Юбилей кечасида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ж. Ҳамидов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. И. Фозилбеков, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари У. Р. Умарбеков иштирок этдилар.

(УзТАГ).

## ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ Назоратида

### ТЕКШИРИШЛАР, НАТИЖАЛАР, ЧОРАЛАР

«Уйимнинг атрофи чиқиндилар билан тўлиб кетган. Саккиз ойдан бери «Автоморехбаза» ҳодимлари уни олиб кетишмайди. Уйим авари ҳолатида. Уни ремонт қилишда ноҳия Совети ижроия комитетига мурожаат қилган эдим. Ёрдам беришмаяпти».

Сағбон кўчасидаги 3-уй ноҳия Совети ҳодимлари томонидан текширилганда янаша учун яроқли деб топилган. Фақатгина Улуғ Ватан уруши инвалидларининг уйлари давлат ҳисобидан ремонт қилиб берилади, — дейилади Собир Раҳимов ноҳия Совети ижроия комитети раиси Н. Раҳимбердиевнинг редакцияга юборган жавоб хатида. Шунинг учун ноҳия Совети ижроия комитети Л. Евсеев яшаётган Сағбон кўчасидаги уйни давлат ҳисобидан тузатиб беришни рад қилди. Уй атрофидаги чиқиндилар эса ташиб кетилди.

\* \* \*

«Беш хонали уйда 12 киши тураюз. Уям 1 группа

инвалидман. Уй-жой шароитини яхшилашга ёрдам берсаларинг».

Оржоникидзе ноҳия Совети ижроия комитетининг социал таъминот бўлими томонидан Ҳ. Худойбергано-ваннинг юқоридаги хати юзасидан текшириш ўтказилди. Аниқланишича, Қиёрай поселкаси Ленин кўчасидаги 82-уйда ҳақиқатан ҳам 12 киши истиқомат қилади. Ҳ. Худойбергано-ван 1987 йилда туғилган ўғли билан бир хонали уйда яшайди. У турган уй санитария-гигиена талабларига мутлақо жавоб бермайди. 1989 йил сентябрь ойдан бери ноҳия Советида уй-жой шароитини яхшиловчилар қаторида рўйхатда турибди. Хати бўйича текшириш ўтказган комиссия ноҳия Совети ижроия комитети ҳузурдаги уй-жойларни тақсимлаш комиссияси-дан навбатдаги йиғилишида Ҳ. Худойбергано-ваннинг оилавий шароитини ҳисобга олишни илтимос қилди.

## «ЛЕНИНГРАД»ДА САБЗАВОТ ОМБОРИ

ТОШКЕНТ ноҳиясидаги «Ленинград» совхозининг ҳужалик иморатлари яна биттага кўпайди. Бу ерда йиркч омборхона қурилиб, ишга ту-

ширилди. Узунлиги олтиш ва эни йигирма метр кенликдаги бу икшоотнинг барпо этилиши айни муддао бўлди. Шу туфайли ҳар йили қўшимча юз тонналаб ҳар хил сабзавотлар, картошка ва пивзани киш мавсумида сифатли сақлаш имкони туғилди.

Бу омборни бунёд этишда ноҳиядаги 445-механизациялашган кўпча колонна бинокорлари фаол қатнашдилар.

Ишнинг асосий оғирлиги уларнинг зиммасига тушди. Колоннанинг С. Солиев раҳбарлигидаги бригада аъзолари тез ва соз ишлашди. Айнқисқа сувоқчи Ҳ. Турсунов, бетончи И. Акромов каби пешқадамлар смена нормаларини муттасил бир ярим баравар ва ундан ҳам ошириб адо этдилар.

П. ДУСОНОВ.



18 ФЕВРАЛЬ -  
ЎЗБЕКИСТОН ССР  
ХАЛҚ ДЕПУТАТЛИГИ ВА  
МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРИ  
ДЕПУТАТЛИГИГА  
САЙЛОВЛАР  
КУНИ

«Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатлари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунининг 34-моддасига мувофиқ қуйидагилар халқ депутатлари вилоят Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинди-лар.

**81-Калинин сайлов мавзисидан**  
Субонова Ахмадали — 1944 йилда туғилган, КПСС аъзоси, Бекобод ноҳиясидаги Ленин номи колхозининг бош бухгалтери, шу колхозда яшайди.

**82-Маданият сайлов мавзисидан**  
Пак Виталий Сергеевич — 1944 йилда туғилган, КПСС аъзоси, Бекобод ноҳиясидаги «Октябрь» 46 йиллиги совхозининг 4-бўлими бошқарувчиси, шу ноҳияда яшайди.

**83-Далварзин сайлов мавзисидан**  
Султоқулов Мўминжон Мирзааҳмедович 1942 йилда туғилган, КПСС аъзоси, «Далварзин» совхози директори, Бекобод ноҳиясида яшайди.

**84-Хўжайент сайлов мавзисидан**  
Каримбердиев Қурбонтой Тожибович — 1949 йилда туғилган, КПСС аъзоси, Бўстонлик ноҳия партиа комитетининг иккинчи секретари, Ғазалкент шаҳрида яшайди.

**85-Охунбобоев сайлов мавзисидан**  
Машарипова Муқаддас Зокировна — 1966 йилда туғилган, ВЛКСМ аъзоси, Бекобод ноҳиясидаги «Авангард» совхози 1-бўлимининг болалар бoғчаси мудири, Бекобод ноҳиясида яшайди.

**86-Чаноқ сайлов мавзисидан**  
Эшмуродова Ғулиой — 1945 йилда туғилган, КПСС аъзоси, Бекобод ноҳиясидаги Ойбек номи совхоз ишчиси, Бекобод ноҳиясида яшайди.

**87-Қорақалпоқ сайлов мавзисидан**  
Қурбонов Пардабек — 1942 йилда туғилган, КПСС аъзоси, Бўстонлик ноҳиясидаги Абай номи колхозининг бош агрономи, шу ноҳиядаги Қораманас қишлоғида яшайди.

**88-Фрунзе сайлов мавзисидан**  
Ерметов Соҳибжон Сотиевич — 1962 йилда туғилган, партиясиз, Бўстонлик ноҳиясидаги «Бўстонлик» совхозининг ишчиси, Ғазалкент шаҳрида яшайди.

**89-Ғазалкент сайлов мавзисидан**  
Штелле Бергард Гербертович — 1925 йилда туғилган, КПСС аъзоси, 2-ўрта мактаб директори, Ғазалкент шаҳрида яшайди.

**90-Ғазалкент сайлов мавзисидан**  
Штелле Бергард Гербертович — 1925 йилда туғилган, КПСС аъзоси, 2-ўрта мактаб директори, Ғазалкент шаҳрида яшайди.

# Тошкент вилоятдан халқ депутатлари вилоят Совети депутатлари сайловини ўтказувчи мавзе сайлов комиссияларининг АХБОРОТИ

**83-Далварзин сайлов мавзисидан**  
Султоқулов Мўминжон Мирзааҳмедович 1942 йилда туғилган, КПСС аъзоси, «Далварзин» совхози директори, Бекобод ноҳиясида яшайди.

**85-Охунбобоев сайлов мавзисидан**  
Машарипова Муқаддас Зокировна — 1966 йилда туғилган, ВЛКСМ аъзоси, Бекобод ноҳиясидаги «Авангард» совхози 1-бўлимининг болалар бoғчаси мудири, Бекобод ноҳиясида яшайди.

**86-Чаноқ сайлов мавзисидан**  
Эшмуродова Ғулиой — 1945 йилда туғилган, КПСС аъзоси, Бекобод ноҳиясидаги Ойбек номи совхоз ишчиси, Бекобод ноҳиясида яшайди.

**87-Қорақалпоқ сайлов мавзисидан**  
Қурбонов Пардабек — 1942 йилда туғилган, КПСС аъзоси, Бўстонлик ноҳиясидаги Абай номи колхозининг бош агрономи, шу ноҳиядаги Қораманас қишлоғида яшайди.

**88-Фрунзе сайлов мавзисидан**  
Ерметов Соҳибжон Сотиевич — 1962 йилда туғилган, партиясиз, Бўстонлик ноҳиясидаги «Бўстонлик» совхозининг ишчиси, Ғазалкент шаҳрида яшайди.

**89-Ғазалкент сайлов мавзисидан**  
Штелле Бергард Гербертович — 1925 йилда туғилган, КПСС аъзоси, 2-ўрта мактаб директори, Ғазалкент шаҳрида яшайди.

**92-Хўжайент сайлов мавзисидан**  
Каримбердиев Қурбонтой Тожибович — 1949 йилда туғилган, КПСС аъзоси, Бўстонлик ноҳия партиа комитетининг иккинчи секретари, Ғазалкент шаҳрида яшайди.

**93-Чорвоқ сайлов мавзисидан**  
Васленко Борис Афанасьевич — 1939 йилда туғилган, КПСС аъзоси, «Чорвак-ГЭСстрой» қурилиш-монтаж бошқармаси бошлиғи, Бўстонлик ноҳиясидаги Чорвоқ посёлқасида яшайди.

**94-Бўстонлик сайлов мавзисидан**  
Исабоева Нарғиза Ахматиллаевна — 1968 йилда туғилган, партиясиз, Бўстонлик ноҳиясидаги «Чорвоқ» совхозининг ишчиси, шу ноҳияда яшайди.

**95-Жаҳонбод сайлов мавзисидан**  
Турсунов Раҳматилла Қўчқорович — 1949 йилда туғилган, КПСС аъзоси, Тошкент вилоят партиа комитетининг ташкилий-партиявий ва кадрлар иши бўлими мудири, Тошкент шаҳрида яшайди.

**113-Пахтазор сайлов мавзисидан**  
Сальме Сервер Мустафоевич — 1958 йилда туғилган, КПСС аъзоси, Ғалаба

ноҳиясидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» ҳўжалигининг марказий ремонт устанонаси ишчиси, шу ноҳияда яшайди.

**134-Правда сайлов мавзисидан**  
Муродова Мария Эргашевна — 1950 йилда туғилган, партиясиз, Коммунистик ноҳиясидаги «Правда» колхозининг бригада бошлиғи, шу ноҳияда яшайди.

**165-Охунбобоев сайлов мавзисидан**  
Абдуразоқов Рустам — 1945 йилда туғилган, партиясиз, Ўрта Чирчиқ ноҳиясидаги Охунбобоев номи колхоз механизатори, шу ноҳияда яшайди.

**168-Қорасув сайлов мавзисидан**  
Азизов Карим — 1938 йилда туғилган, КПСС аъзоси, Ўрта Чирчиқ ноҳиясидаги К. Маркс номи колхозининг бригада бошлиғи, шу ноҳияда яшайди.

**169-Совет сайлов мавзисидан**  
Исломов Мусулмон — 1932 йилда туғилган, КПСС аъзоси, Ўрта Чирчиқ ноҳия-

сидаги Энгельс номи колхозининг бригада бошлиғи, шу ноҳияда яшайди.

**171-Янгиҳайит сайлов мавзисидан**  
Гайдук Николай Петрович — 1939 йилда туғилган, КПСС аъзоси, Тўйтепа металл конструкциялари заводининг директори, Ўрта Чирчиқ ноҳиясида яшайди.

**174-Ангор сайлов мавзисидан**  
Турдиев Абдурахим — 1942 йилда туғилган, партиясиз, Ўрта Чирчиқ ноҳиясидаги «Коммунизм» колхозининг бош зоотехниги, шу ноҳияда яшайди.

**184-Охунбобоев сайлов мавзисидан**  
Фозилов Абдужалил — 1959 йилда туғилган, КПСС аъзоси, Тошкент ноҳиясидаги Охунбобоев номи колхозининг бригада бошлиғи, шу ноҳияда яшайди.

**188-Шерлер сайлов мавзисидан**  
Мусаева Волида — 1944 йилда туғилган, КПСС аъзоси, Тошкент ноҳиясидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг сичир соғувчиси, шу ноҳияда яшайди.

**Норимов Равшан Эргашевич — 1952 йилда туғилган, КПСС аъзоси, «Средзасельхозмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкент синав-тажриба заводи директори, Тошкент ноҳиясида яшайди.**

**176-Навоий сайлов мавзисидан**  
Икромов Мирзамурод — 1949 йилда туғилган, КПСС аъзоси, Ўрта Чирчиқ ноҳия партиа комитетининг биринчи секретари, шу ноҳияда яшайди.

**Рўйхатга олиш давом этмоқда.**

## МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

11 январь кунин Тошкентда Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиди, мажлисини комиссия раиси Т. Х. Собитов бошқариб борди.

Комиссия аъзолари Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш қандай бораётгани ҳақида хабардор қилинди. 10 январьга 173 округда депутатликка 342 номзод рўйхатга олинди. Уларнинг орасида турли миллатларга ва ижтимоий гуруҳларга маъсуб, турли ёшдаги граждандар, коммунистлар, партиясизлар бор. Рўйхатга олиш тугашига оз вақт қолганлиги, сайлов комиссияларини номзодларни рўйхатга олишни пухтароқ ташкил этишлари зарурлиги таъкидланди.

Марказий сайлов комиссияси Самарқанд областидаги сайлов округларидан Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловига тайёргарлик қандай бораётганини кўриб чиқди. Бу ерда сайловдаги кампанияси Ўзбекистон ССР Конституциясининг қондаларига

ва сайлов тўғрисидаги янги қонунларга мувофиқ ўтаётганлиги таъкидланди. Бу кампанияда область аҳолиси фаол иштирок этмоқда. Меҳнат коллективлари конференциялари ва йнгилишларида ҳамда истиколат жойларида жамоат ташкилотларининг органлари Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига 56 округдан 215 номзод кўрсатдилар.

Шу билан бирга сайлов комиссияларининг депутатликка номзодлар кўрсатиши ва уларни рўйхатга олиш натижалари тўғрисида аҳолини хабардор қилиб бориш, номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини ўтказиш, сайловдаги агитацияси ишида камчиликлар мавжуд. Округ сайлов комиссияларига, Самарқанд область ижроия комитетига эътиборини барча сайловдаги тадбирлари, шунингдек сайлов кунин овоз бериш сифатли ўтишини таъминлашга қаратиш тавсия этилди.

Республика комсомол ташкилотларининг ёш сайловчилар ва Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзодлар билан иши тўғрисидаги ахбороти тингланди. Сайловдаги кам-

панияси давомида ёши 30 га етмаган 111 киши депутат мандати учун курашиш ҳўқуқини кўлга киритди. Комсомол комитетларига сайлов тўғрисидаги қонун қондаларини тушутириш юзасидан ёш сайловчилар орасида олиб бориладиган ишни кучайтириш, сайлов кампаниясида уларнинг фаол иштирокини таъминлаш тавсия этилди.

Мажлисда Тошкентдаги участка сайлов комиссияларининг сайловга тайёргарлик иши муҳокама қилинди. Район ижроия комитетлари 625 та сайлов участкасини тугатилди ва айтиб ўтилди. Кўпгина коммисиялар сайловдаги фаолиятини кучайтириш юбордилар. Лекин бир қанча ҳолларда турли техник масалалар суст-қашкиш билан ҳал қилинмоқда. Шаҳардаги маҳаллий Советлар ижроия комитетлари ишини ташкил этишда участка комиссияларига ҳамма ҳам амалий ёрдам бермаётди.

Тошкент шаҳар ижроия комитетига мавжуд камчиликларини тугатиш юзасидан узил-кесил чоралар кўриш, Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайлов тўғрисидаги қонун қондаларини, сайлов кунин овоз бериш тартибини кенг тушутиришга, участка комиссияларининг нормал фаолияти учун зарур шароит яратишга алоҳида эътибор бериш тавсия қилинди.

Марказий сайлов комиссиясининг мажлисида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Б. И. Бургов қатнашди.

(ЎзТА).

## САЙЛОВ ДАВРИ

«Сайлов даври: КПССнинг маҳаллий комитетлари халқ депутатлари Советларини тизининг янги сиёсий вазиятида» номи китоб босилиб чиқди. Китобда СССР халқ депутатлари сайловининг Бутуниттифоқ тадқиқоти натижалари таҳлил этилди, маҳаллий ҳокимият органларига сайловнинг ўзига хос хусусиятлари таърифланди, бу сайловини илмий-ахборот билан таъминлашга оид бир қанча дастурлар ва тавсиялар тақлиф қилинди.

Китоб маҳаллий партиа комитетлари ва совет идораларининг ходимлари ҳамда активларининг, олий партиа мақтабларининг муаллимлари ва тингловчиларига, социологларга, мазкур муаммоларга қизиқувчи барча кишиларга мўлжалланган.

Китобни Сиёсий адабиёт нашриёти чиқарди.

(ТАСС).

Газетанингу сонига янгилик  
**АЪЛОЧИ**  
**ЎҚУВЧИЛАРГА —**  
**СТИПЕНДИЯ**

**ПОЯХТИМИЗНИНГ** Куйбишев ноҳиясидаги 208-мактабда кейинги пайтларда ўқувтарбия сифати ва самарадорлигини оширишга кўмаклашувчи бир қатор янгиликлар пайдо бўлмоқда. Жумладан, дарс вақтининг 40 минутга туширилди. «Диагностика» клубининг ташкил этилиши, ўқувчилар ва ота-оналар Кенгашининг қарорига биноан юқори сифат ўқувчиларидан маълум қисмининг дарсларга иштирокини қатнашчиларининг йўлга қўйилиши ана шулар жумласидандир.

Мактабнинг жонқуяр раҳбарини Б. Я. Бляхер ташаббуси билан яқинда яна бир ажиб-айнглик туғилди. 9, 10 ва 11-синф ўқувчилари чорак давомидаги ўзлаштиришлари ўртача 4,8 дан паст бўлмаса улар степендия билан рағбатлантирилдилар. Иккинчи чорак якунига кўра эса юқори синф ўқувчиларидан тўққиз нафарини ана шулардай мнатибга эга бўлди.

Ҳўш, уларга тўлаш учун пулни қаврдан олиш керак! Бу саволга мактаб директори Борис Яковлевич шундай жавоб берди:

— Бунинг учун биз ўз ички имкониятларимизни ишга солиди. Яъни мактабимизда «Ешлар кафееси» бўлиб, унда ўқувчилар ўзлари ишлаб топган, шунингдек, спорт комплексида ижарага бериб тушган маблағдан маълум қисмининг аълочиларимизга степендия тариқасида беришни йўлга қўйдик. Унинг миқдори эса чорак якунидаги стипендияларининг сонига қараб 15 сўмдан 30 сўмгача белгиланади.

З. ЖУРАЕВА.



### Бу саҳифада:

- Яхши фазилат
- Падарни улуглайлик
- Яна дастурхончилар ҳақида
- Кичик жамият муаммолари

## «БИЗ БИРГА ЯШАЙМИЗ»

НИГИРМА ЕТТИ МИЛЛАТГА МАНСУБ ПИСКЕНТ  
НОҲИЯ МЕҲНАТКАШЛАРИ ШУНДАЙ  
ДЕМОҚДАЛАР

Утган йилнинг ёзи пискентликлар ёдида анча вақт кўтарилмаса керак. Қирқ йилдан бери ёнма-ён яшаб, ишлаб келган, қуда-қудагай бўлиб кетган меҳнати турклар кўчаларини ортиб, баъзида уйлари кўлабдоқ номангум манзилга отлана бошладилар.

Дара кетган ишончли қайта тиклаш осон бўлмади. Вилоятимизни тарқ этган кўплаб меҳнати турклар яна ўз хонадонларига, неча йиллик кадрон ўзбек, қozoқ, тожик, қрим татар биродарлари ёнига қайтиб келди.

«Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозда ҳам меҳнати туркларни зич яшарди. Уша таҳликали кунларда колхоз партия комитети котиби Исмаҳон Капитонов билан учрашганимизда у меҳнати туркларнинг асарияти иссиқ ўрнини совутмайдиган, деганди. Шундай бўлди ҳам. Улар бошқа миллат вакиллари билан астойдил меҳ-

нат қилиб, пахтадан баранкалик хирмон уйдилар. Ҳосил байрамида бошқа халқлар вакилларига ўз миллий тўйлари қандай ўтганини намойиш қилдилар.

Муштарак мақсадлар, ахил оила аъзолари туйғуси аксарият пискентликлар учун муваффақ. Бу ерда ташкил этилган «Ҳамкорлик» байналмилал маданий маркази фаолияти ҳам шундан далолат беради. Марказда турли миллатлар маданияти, урф-одатлари тарғиб этилди, юзага чиқарилган муаммоларни ҳамкорликда ҳал этишга ҳаракат қилинади.

Ноҳия партия комитети кейинги пайтларда байналмилал тарбиянинг таъсирчан, давр талабига мос бўлиши чораларини кўрмоқда. Пискентликлар ҳозир Тожикистон ССР Ленинобод вилоятининг Мастчоҳ, Қозоғистон ССР Олмаота вилоятининг Балхаш ноҳиялари билан ҳар тарафлама алоқа ўрнатган-

лар. Тожик ва қozoқ дўстлар ноҳия хўжаликлариди меҳмон бўлишди. Бундай учрашувлар пайтида байналмилал тарбия соҳасида тўп-ланган тажрибалар ўртоқлашди.

Биродарлашган ноҳиялардаги дўстларнинг ёрдами билан Пискентдаги қozoқ ва тожик мактабларида таълим савияси бирмунча оширилди. Ҳозир ноҳиядаги икки мактабда қрим-татар халқи тарихи, маданияти ва тилини ўргатиш бўйича машғулотлар ташкил этишга тайёргарлик кўрилмоқда. Хўжалик ва ташкилотлардаги, маданият уйларидаги бадий ҳаваскорлик коллективлари репертуаридан, қozoқ, тожик, татар, турк куйи ва кўшиқлари, рақслари ўрни олмақда. Кинот дўконларида эса турли тилларда битилган адабиётлар анча кўпайиб қолди.

Қиш бошланган бўлса-да дала ва фермаларда иш қизғин бормоқда. Эрталаб ёнма-ён ишга кўл олаётган ўзбек, тожик, турк ва қozoқ пахтакорларига қўзингиз тушади. Оқшом пайтлари қўшниллар бир-бирларини палов ёки бешбармоқча таклиф қилдилар. Улар бирга яшаб келдилар ва мудом бирга яшайдилар.

А. НОСИРОВА.

### • Буни билиб қўйинг

## 1990 йил имтиёзлари

• ЯҚИНДА мактабларнинг бошланғич синфлари ўқувчиларига нонушта бепул берилётгани ҳақида хабар қилган эдик. Шунга ўхшаш имтиёзлар уларнинг ўқитувчиларини ҳам четлаб ўтмади. Эндиликда шаҳар ёки қишлоқларда ижара уйларида яшаётган врачлар, педагоглар, социал таъминот ходимлари электр, сув, газдан фойдаланганликлари учун давлатга пул тўламайдилар. Уларга шаҳар ичида ёки қишлоқ ҳудудининг ўзида транспортдан (таксидан ташқари) бепул фойдаланиш ҳуқуқи ҳам берилди.

\*\*\*

• ИМТИЁЗЛАР ҳақида гап борар экан, анемия касаллигига чалинган ҳомиладор аёлларга яратилган қулайлик ҳам эътиборга лойиқдир. Уларни витаминлар билан таъминлаш, озиқ-овқатларини яхшилаш учун шу йилнинг ўзида жумҳуриятимизда 36 миллион 620 минг сўм сарфланади. Қариялар уйидаги кексалар ҳам от йили саховатидан баҳраманд бўлдилар. Уларнинг бир кунлик овқат пули 1 сўм 50 тийиндан 2 сўм 20 тийинга ортди. Мажруҳ болалар учун эса энди кундалик овқат учун 1 сўм 56 тийин ўрнига 1 сўм 86 тийин харажат қилинади. Ана шу мақсадлар учун жумҳуриятда 2 миллион 200 минг сўм маблағ ажратилди.

\*\*\*

• ШУ ҚУНЛАРДА ижара уйларида турган олий ва ўрта махсус ўқув юртининг талабалари ҳам ўзларини бирмунча енгил ҳис қилмоқдалар. Уларнинг ойлик стипендиясига 10 сўмдан қўшилди. Бизнинг жумҳуриятимизда бу имтиёздан фойдаланадиган талабалар учун 9 миллион 430 минг сўм қўшимча пул тўланади.

С. ҲАСАНОВ.

## Фарғонадан хат

Улуғ Ватан уруши йиллари эди. 1944 йилда бизни Қримдан кўчиришди. Беш кишидан — отам Менаджи Бахтиев, онам — Сунне Менаджиева, акам — Риза Менаджиев, мен ва 1937 ёки 1938 йилда турилган синглим Асие Менаджиевадан нборат оиламиз Ингичка қони ҳудудидидаги чоргоқ қишлоққа келиб тушдик. Уша кезлари оиласида ишчи кучи кам бўлган хондонларни колхоз ва совхозларга кўчиришар эди. Биз Самарқанд областининг Норпой районидаги «Коммунизм» колхозидида кўним топдик. Отам ашигиндан мажруҳ бўлганлиги туйғали ишга яроқсиз эди. Фақат ёлғиз онамгина ишчи кучи эди, холос. Биз эса ёш болалар бўлганимиз. Машаққатли ҳаёт тезда оиламизда сезилди. Кўчиб келган йилмиздаёқ акам Риза ҳаётдан кўз юмди. Кўзи ожиз отамни ҳам босди, онамининг қадди буклиди. Танг яшар эдик. Отам скрипка чалишни билгани учун бизни боқшида онамга кўмаклашадиган бўлди, 1945 ёки 1946 йил бўлса керак, онам қаттиқ бетоб бўлиб қолди. Уни ёлқасига

опичлаб отам Мирбозор посёлқасидидаги касалхонага олиб борди. Шунда орқамиздан синглим Асие эргашгани ёдимда. У етти-саккиз ёшларда эди. Онамини касалхонада олиб қолишди. Аҳволи мушкул эди. Шунда отам иложсизликдан синглимни Мирбо-

мизга шомол теғди. Шундан сўнг синглимни қидира бошладим. У ўлган деган совуқ хабарни ҳам қимандир эшитганим, кейин ёлғиз бўлиб қолдик. 33-болалар уйи тарбияланувчилари билан учрашдик. Улар Керчь районининг Карачи қишлоқ Совети-

бини эса батафсил тушутириб беролмадик. Шундан кейин 40-болалар уйида номлари рўйхатга олинган болаларнинг қариндошлари ашайдиган адрисларни ёзиб олдим. Фақат 1937 йилда турилган Тамара Азизованинг қариндошлари қаерда туриши қайд этилма-

ётгандир. Баъзи тарбиячилар у Тошкентдаги авиация заводида қичи жойдаги 6-хўнар-техника билим юртида ўқиган бўлса ҳам ажаб эмас, деб тахмин қилишмоқда. Агар Асие ҳаёт бўлса, онамин отам опичлаб, касалхонага олиб берганлигини, биз унга эргашиб юрганлигимизни яхши эслаши керак. У қўларни ожиз отамнинг скрипка чалишини ҳам биларди.

Ҳурматли редакция! Ешим улғайганда жигаримга бўлган соғинч меҳри юрагимни ўртамоқда. Умидим сизлардан. Балки у топилар. Агар биз у билан дийдор кўришсак, мени бир умрга бахтиёр этган бўласизлар.

Нешерван БАХТИЕВ,

Адрес: 712017, Фарғона

шаҳри, 17.

Андижон кўчаси, 40-уй.

## СИНГЛИМНИ ИЗЛАЙМАН

зордаги 33-болалар уйига топширдик. Уни а Менаджиева ёки Бахтиева Асие исми-фамилияси билан қабул қилган бўлишлари мумкин эди. Тез орада онам вафот этди. Ташвиш, дард, алам отамни ҳам ажал қаьрига тортиди. Мени бир чойноначи асраб қолди. Кейинчалик узок бир қариндошларим ёрдамида 13—14 ёшимда ишга жойлашдим. Шундан бери ишчиман. Уша пайтларда бизга эркинлик йўқ эди, маълум бир жойдан нарига ҳам ўтолмасдик. 1956 йил апрелидан кейин бағри-

га қарашли Дўрмон қишлоғидан бунақа исмли қиз қайд этилмаган деб жавоб беришди. Булуғур районидаги 40-болалар уйидаги собиқ рўйхатлардан бирида Арifice Менаджиева деган қиз рўйхатда бор. У қизни Тошкентга жўнатилган деган хабарни айттиди. Менга яна шу нарса ҳам ёниқ, ўша кезлардаги болалар уйи директори Нарзулла Омонов «болалар уйларига қабул қилинган ўғил-қизларнинг 50 фонзининг ўз фамилияси ва исми неғадир ёзилмас эди» — дейди. Саба-

ган, холос. У 1946 йилда 14-болалар уйидан Хатирчидаги 27-болалар уйига ўтказилган. Ана шу фактлар ҳам менда қандайдир умид шуъласини уйғотмоқда. Балки синглим Асие бошқа исми, бошқа фамилия билан қаердадир яша-

РЕДАКЦИЈАДАН: Эҳтишол Н. Бахтиев излаётган синглим Асие вилоятимизнинг бирон шаҳар, ноҳия ёки қишлоғида яшаётгандир, эҳтишол бирон хўжалиқда ёки корхонада ишлаётгандир. Биз ана шунга умид боғлаб ушбу хатни эълон қилмоқдамиз. Мабууд унинг дарағи яшълум бўлса редакцияга хабар қилишар деган ушидамиз.

Одамлар, одабийлик ва бурч

КАЛОН ОТА  
ЭЛ  
ЭЪЗОЗИДА



БУТУН умри меҳнат билан ўтиб келган бу табаррук оқсоқолни қишлоқда каттаоникчи санимий ҳурмат қилади. Бу бежиз эмас. Отанинг қандайдир меҳригиси бор. У кексани ҳам, ёшларни ҳам ўзига тортади. Қанақа меҳриги дейсизми? Ширинсўзлик, камтарлик, қолаверса каттаоникчи баробарлик. Худди шундай. Яқинда саксон баҳорни қаршилаган Калон ота Исмоиловнинг таваллуди нишонланган кунда сўзга чиққан борки, унинг ана шу фазилатларини алоҳида таъкидлаб ўтди. Ҳаммадан боболарига бағишлаб шеш ўқиган невараларини айтмайсизми.

Калон ота ўзи истиқомат қилаётган Тошкент районининг Охунбобоев номли қолхозда энг кекса ветеранлардан бири. Инқилобдан олдин бойлар эшигида югурдек бўлиб юрган бўз болага шўролар ҳукмати ҳунар берди. У қолхозда қирқ йил ў.ферлик қилди. Бу орада К. Исмоилов минглаб тенгқурлари қатори она-Ватан ҳимояси учун олиб борилган шиддатли жангларда қатнашди. Харьков, Полтава, Витебск, Калининград шаҳарлари, Венгрия, Польша, Чехословакияни халос этишдаги мислсиз мардликлари учун орден ва медаллар билан мукофотланди.

Урушдан қайтиб ана юк машинаси рулини бошқарди. Унинг эл ҳашари билан битган Фарғона каналини қозидаги меҳнат улуши ҳам муносиб тақдирланган. Ота кўз қорачиқдек ардоқлаётган хўжатлар ичда йўлдош Охунбобоев ўз кўли билан топширган мақтов ёрлиги ҳам соқланмоқда.

Калон отанинг саксон йиллиги биргина унинг серфайз хонадониде эмас, балки бутун Охунбобоев маҳалласида катта шодниёнага айлиб кетди. Шу кунни маҳалладошлар отанинг умр йўлдоши, қолхоз курилиши фаолларидан бири Турсун аянинг хотирасини ҳам ёдга олишди.

— Мен кўрган бугунги қувончли кун афсус ётқидошимга насиб қилмади, — дейди кўзига ёш олиб Калон ота. — Ишлаб хоримайдиган аёл, меҳрибон она, болалар тарбиясида сунанчим эди. Биргалликда етти фарзандни катта қилдик.

Табаррук кексалар вога етказган фарзандларнинг ҳар бири бугунги кунда

ҳаётда ўз ўрнини топган. Улар турли касб эгалари — педагог, қорқона раҳбарлари, ҳамшира сифатида элга хизмат қилмоқдалар. 24 январь. 11 нафар авранинг бобоси Калон ота ўғил-қизларидан миннатдор. Кексайганда улар эъзозиде. Болаларини дуо қилади.

Ота ҳамон ўзи истиқомат қилаётган Охунбобоев номли маҳалла юмушларини энгиллатишга кўмаклашади. У маҳалла фаолларининг маслаҳатдўғи. Вақти-вақти билан қишлоқ худудидеги мактаблар ўқувчилари билан учрашиб туради. Уларга ўтмиш ва жанговар йиллар хотиралари ҳақида гапириб беради. Одамлар уни қадрлашади, кексалигига қарамай жамиятга нафи тегаётганлигидан хурсанд.

З. НУРИДДИНОВ.

ҲАМЖИҲАТЛИК  
БИЛАН

Ҳар бир қишлоқнинг ўзига хос ташвишлари бор. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, уларни ҳал этиш маҳалла комитетлари фаолларига боғлиқ. Буни Теловдаги Қурама тизмалари бағрига жойлашган 1200 дан ортқ аҳоли истиқомат қилаётган Шовғаз маҳалласи мисолида ҳам кўриш мумкин.

Марказдан анча олинсадаги бу маҳаллада турмуш масалалари билан боғлиқ кўпгина муаммолар ҳал этилмаган эди. Аҳоли йўлларининг нобоплиги, транспорт қатновидан ноиларди. Қабристон мутлақо қаровсиз эди. Ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўрган Турғунбой ака Саъдуллаев маҳалла комитетининг раиси қилиб сайланди-ю, ишлар жонланиб кетди. Раис биринчи навбатда Телов қишлоқ Совети билан жуда яқиндан алоқа боғлади. Қайси ишларни ҳашар йўли билан бажариш мумкинлиги, лекин қайси тadbирларга маблағ кераклигини ижроия комитет аъзоларига аниқ, лўнда қилиб гапириб берди. Шундан кейин бир қатор ишлар бажарилиди. Масалан, қабристон атрофи ўралиб, унга ниҳоллар, гуллар экилди. Кўчаларга шагал ётқизилди. Маҳалладан Олмалик шаҳрига автобус қатнови ҳам йўлга қўйилди. Ворошилов номли совхоз маъмурияти эса аҳолини ичимлик сув билан таъминлашга кўмаклашди.

Турмушни яхшилаш билан боғлиқ масалаларни ҳамжиҳатликда ҳал этишда Т. Саъдуллаевга М. Нурматова, Ҳ. Холикулова, А. Усмонов, Е. Қаҳқоров, И. Абдуқодиров, Х. Абдалиев каби фаоллар яқиндан ёрдам беришмоқда. Ташкилотчилик қилишмоқда. Уларнинг ҳар бири аҳолига медицина хизмати кўрсатишни яхшилаш, ҳуқуқ-тарғибот, балоғатга етмаганлар билан ишлаш, ёшларни ишга жойлаштириш, янгича анъаналарни ўтказиш каби соҳаларга масъулдирлар.

Маҳалла фаоллари тугайли тўйлар ихчам ўтатиётганлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Ҳозир бу ерда қалин пули умуман йўқ бўлди. Кейим-бошлар қилиш ҳам маромига тушмоқда. Ўтаётган тadbирларнинг ҳаммасига маҳалла комитети бошчилик қилмоқда.

Н. АБДУРАСУЛОВ,  
Оҳангарон ноҳияси.

МУЛОҚОТ ДАВРАСИ

ДАРДЛАР ОШКОР АЙТИЛДИ

Тошкент шаҳар маҳаллалар ишчи марказлаштирувчи кенгаш аҳоли билан мулоқотларни ташкил этишга алоҳида аҳамият бермоқда. Яқинда А. Икромов ноҳиясининг Октябрь мавзесида юқори идора ва ташкилотлар ходимлари Бекобод, Фуқрат, У. Юсупов, Ҳамаза номли маҳаллалар аҳли билан учрашди.

Мулоқотда улар дardини тинглаш, талаб ва истаklarини ўрганиш учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети мафкура бўлимининг бошлиғи Ш. Зиёмов, унинг ўринбосари Р. Раҳмонов, Тошкент шаҳар маҳаллалар кенгашининг раиси Қ. Фозилхўжаев, Ўзбекистон ССР Ички ишлар министри ўринбосари Т. Тўхтаев, Ўзбекистон ССР Савдо министри ўринбосари А. Хўдаётди, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министри ўринбосари Т. Исқандаров, Халқ таълими Министрлигининг катта ходими Э. Талиев, уй-кой коммунал хўжалиги министрининг биринчи ўринбосари Саидаминов, шунингдек, шаҳар ва район партия, совет органларининг масъул кишилари қатнашдилар.

— Биз халқимиз аҳолидини яхшилаш учун маҳаллаларда учрашувлар ўтказиб,

улар билан юзма-юз туриб мавжуд муаммоларни бартараф этиш, кўруқ ваъдалар билан эмас, балки амалий ишмиз билан ёрдам қилиш учун келидик, — деди биринчи бўлиб сўз олган Ш. Зиёмов.

Учрашувда маҳалла комитетларининг раислари сўзга чиқдилар. Улар ўз маҳаллаларидеги камчиликлар ҳақида гапириб, уларни ҳал этиб беришни илтимос қилдилар.

Ақсарият талаблар бир хил бўлди. Канализация, уй-жай билан таъминлаш, кўчаларни тартибга келтириш... — Биз кўчиб келган пайтимида, — деди Фуқрат номли маҳалла комитети раиси Собир ака Назиров, — кўчаларимиздан ариқларда сув тўлиб оқарди. Ҳозир эса бундай сув йўқлиги тугайли хонадонлар экинларини ичимлик суви билан сугоришига мажбурлар. Бу эса исрофгарчиликка олиб келаяти.

Мулоқот қизгин тус олди. Энг муҳими сўзга чиққанлар фақат иқтисодий, маънавий муаммоларни, турли талабларининг кўтариб чиқмасдан, балки одамларни маънавий камол топтириш, улар саломатлигини ўйлаш, ижтимоий тарбияга эътибор бериш ҳақида ҳам бир қатор муҳим тadbирлар ўтказиш керакли-

ги тўғрисида таклифлар киритдилар.

— Болалар бизнинг келажакимиз, — дейди Ҳамаза номли маҳалла комитети раиси Тошўлатов. — Улар учун бу атрофда дурустроқ спорт иншоотлари, кутубхоналари йўқ. Ваҳоланки, улар бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари, жисмонан соғлом улғайишлари учун бундай муассасалар ниҳоятда зарур.

Истироҳат кўчасида истиқомат қилувчи пенсияонер Усмонов ака Султоновнинг сўзлари айниқса кўпчиликка маъқул тушди. — Мана, — деди у, — Узимиз ўтирган мана шу залда биз «Ура-ура» қилиб депутатлар сайлаганимиз. Лекин улар ҳанузгача уларнинг оқлайдиган дурустроқ иш қилмадилар. Маҳаллаимизда ҳали талайгина муаммолар мавжудлигига гувоҳ бўлдингиз. Шунинг учун бугунги учрашув ҳам кўруқ гап бўлиб қолмаслиги керак. У аҳолига маънавий хизмат кўрсатишнинг ноқорлигини аниқлиши билан гапирди.

Мулоқотда келган раҳбарлар саволларга жавоб берди. Камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ фикрлар айтдилар.

Ш. ИБРОҲИМОВ.

ИҲЛОВЧИЛАР САРСОН • Луқма

Охириги бекатда турган мўйсарфининг тоқати тоқ бўлиб ёнидаги одамга сўз қотди.

— Бир ош пишгулик вақт ўтди. Бу турган автобуслар жойидан жилай демайди. Нима бало, ҳайдовчилар иш ташлашганими, — деди пешонасига 26, 61, 30 рақамлири ёпиштириб қатор турган автобусларга қўл силтаб.

— Э, отахон, билмайсизми, ҳозирги ҳайдовчиларнинг кўпи ижарачи бўлиб кетган. Чўнтакларини бир амаллаб қаппайтириб олган, биз берадиган беш чақага қиб боқмай кўйишади. Юргандан кўра турган яхши дейишади.

Шу пайт «Янгибод—Аэропорт» йўналишида қатновчи ана бир автобус келиб тўхтади. Ҳайдовчиси олди эшигининг ёнига туриб олиб кирди ҳақини йиғиб олгач, диспетчер хонасига ўзини уриб, кўздан гоийб бўлди.

— Маршрутли таксининг қадри ўтди-да, — деди халқига йўловчи отага қараб, — ўн минутга қолмай кетма-кет келиб турарди.

Янгибод ва В. И. Ленин майдони оралиғида бинойидек қатнаб турган 15-маршрутли такси йўқолди-ю, йўловчиларнинг сарсонгарчилиги бошланди. Бирорта транспорт воситаси унинг ўрнини боса олмапти. Маскур маршрутли такси ўрнига вақтинчалик 10-экспресс автобуси қатнови йўлга қўйилди. Аммо бу маршрут одамларни юпатиш учун очилган экан шекилли, узоққа бормасди. Сувга отилган тошдек тезда йўқолди... Мана бир неча йилдирки, одамлар автобус кутмиш, тоқатлари тоқ бўлганда ўша 15-маршрутли таксини эслаб кўйишади.

Қани энди янги йилда Янгибод массивида истиқомат қилувчи неча ўн минг аҳолига янгилик қилиб яна маршрутли таксиларни юргазиб берадиган мард топилса.

Н. ҲАСАНОВ,  
тарих фанлари номзоди.

АКС САДО

ҲАҚИҚАТАН ҲАМ КЕРАК

Кейинги пайтларда газета саҳифаларида маҳаллалар ҳаёти, халқимизнинг йўқолиб бораётган энг яхши урф-одавларини тиклаш ҳақидаги материаллар кўпайётганлиги аниқ мўлдоа бўлаяпти. Шу жумладан, «Тошкент ҳақиқати»да янги ташкил этилган «Оял, маҳалла, жамият» саҳифасининг 9 декабрь сонидеги «Дастурхончилар керак» мақоласи биз-

га жуда маъқул бўлди. Сабоби унда жуда долзарб, мунозаробон назму кўтарилган. Дарҳақиқат, дастурхончилар қадимдан тўйда ҳам, азда ҳам энг керакли кишилар бўлишган. Шундай қуларда хонадондаги барча ташкилий юмушларини улар ўз зиммаларига олишган. Айниқса, матракларда муносибат эгаларининг келди-кетди билан шугулланишга

иқомиятлари ҳам бўлмайди. Шундай пайтда дастурхончилар уларнинг жонига оро киритган.

Лекин ҳозирги кунда баъзиларда дастурхончиларга эътиборсизлик, уларни неэтиксизлик ҳоллари учрайди. Оқибатда маҳаллада уларнинг ўрнини босадиган одам топиламай қоляпти. Масалан бизнинг маҳаллаимизда икки-уч шундай камтар, камсукум айёллар — Рихис хона ва Хадича хоналар бор эдилар. Улар эндиликда 90 ва 80 ёшдан ошиб, бундай юмушларни ундамай оламай қол-

дилар. Ҳозирги кунда эса уларнинг ўрнларини босадиганлар йўқ.

Биз газета муҳокама қилса арзийдиган, долзарб мазунни ўртага ташлаган, деб ҳисоблаймиз. Шунинг учун маҳалла комитети фаоллари, хотин-қизлар Кенгаши аъзолари бу масалани ўзлариде муҳокама этиб, бу вазифани бевор қачон, тadbиркорроқ аёлга юклаб қўйишлари керак.

А. САЪДУЛЛАЕВА,  
«Янгиорин» маҳалласида истиқомат қилувчи кўп болали она, Тошкент.

# ТОШКЕНТ МИЛИЦИЯСИ ҲАЁТИДАН РЕПОРТАЖ

Янги йил арафасида — 30 декабрда кўппа-кундузи Тошкент педагогика институтини ёнида кўчада отишма бўлди. Қоҳатчилар ҳам, тўтувчилар ҳам қуроллардан кетма-кет ўқ узишди. Рэкетчилар қўлга тушди. Бу соқеа ҳақида марказий матбуотда ҳам ёзилди. Уни тақрирлаб демократик, ҳозирги кўнга-келиб жиноятчиликнинг аҳоли шў даражасига етди: кўппа-кундузи пойтахт шаҳар марказида газандалар билан қонун посбонлари ўртасида отишма!

Яқин ўтмишда — кечагина бизга бундай ҳодисалар эртандай туюларди, биз уларни фақат экранлардаги фарб ҳаётида кўра эдик. Бугун ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз! Нега!

Тошкент шаҳар Давлат автотомобил инспекцияси бошқармаси шаҳар милициясининг бошқа бўлимлари билан биргаликда ўтказган ойдаги туғи рейдларнинг бириндани иштирок этатиб, қисман бўлса-да, мана шу саволга жавоблар топишга ҳаракат қилдим.

5 январь соат 22.30 да шаҳар Давлат автотомобил инспекцияси (ДАИ) ҳовлисида 30 ҳодим — 15 экипаж аъзолари соф торди. ГАИ бошқармаси бошлигининг ўринбосари, милиция подполковниги Асад Ҳамидуллаев беш-ўн минут йўл-йўриқ ва масъулаётлар берди. Уғриланган ва олиб қочилган автотомобилларнинг давлат номери, ранги, бошқа белгилари айтилди. Гап орасида шунчаки эслати: «Қуролни эҳтиёт бўлиб ишлатинлар, аввал албатта бир марта оғохлантириб ўқ узилин, шундан кейин ҳам буйсунмаса ўзидан кўрсин».

Ҳаммаси рация билан жиҳозланган, ДАИ белгиси билан бўялган 15 та «Жигули» дарвозадан турнақатор чиқиб, шаҳарнинг Сергели, Фрунзе ва Ҳамза ноҳияларига йўл олди. Орадан беш минут ўтараётмас машинамиздаги рация (тўлқин) совуқ хабарни етказди: «Ҳамза ноҳиясида КамАЗ машинаси пидвани уриб қочди. Номери номалум. Унг томондан орқа кўрсаткич ойна ёнида шикастланган жойи бўлиши мумкин». Орадан икки минут ўтмай яна шунча хабар: «ТашГРЭС яқинида автотомобил пидвани уриб юборди. Ҳайдовчи ўша ерда».

Тошкент халқа йўли Сергели ва Кўйликқа буриладиган чорраҳада тўхтадик. Тез келаётган, ойналари қорайтирилган, давлат номер белгиси йўқ автотомобиллар қаторасига тўхтатила бошладик.

Кўча кундузгидек эритилган бўлишига қарамай автокооператив аъзоси бўлиши «Обнин» тўрттала олд чирогини ақиб келаяпти.

— Эритилган йўлда олис бригитчи чироқни ақиб юрганнингиз учун ўн сўм жарима,— деди милиция капитани Виктор Кулишин ҳайдовчига.

— Мен олис чироқни аққанми йўқ,— деди ҳайдовчи ўйлаб ҳам ўтirmай, Холбуки, машинасининг тўрттала чироқи ҳануз ёниб турар эди, инспектор бунин кўрсатган у ёлгончилигидан мулзам бўлди.

— Қондабузарликнинг бу турини жазолаш анча мушкул,— дейди автоинспектор қунони.— Йўқ. Ёлмаган эдим леб туриб олса, унга икки гувоҳ керак. Ҳамма вақт икки гувоҳи қардан оласиз! Қончиларимиз шунчака галати. АКШ-да бир полициячи икки овозга эга, бизда эса бир автоинспектор гоҳо ярифта овозга ҳам тенг бўлолмайди.

Соат 24 га яқинлашяпти. Ишнинг кизиги энди бошланди, деди милиция катта лейтенанти Баҳодир Содиков ва шу заҳоти Сергели томондан келаятган, битта чирогини аққан «Обнин» тўхташга ишора қилди. Ҳайдовчи буйсунмади, халқа йўлга бурилиб Кўйлик томонга елди. «Обнин» кетиладан тўшдик. Қоҳатчилар машина тобора олислаб борар, биз эса унга яқинлашиб ўрнига тобора орта қолаётган эдик. Машинамизининг охириги тез-

лигини — спидометрдаги «130» рақамини кўриб ҳафсалам пир бўлди. Чунки, «Обнин» 160—170 тортишини яхши биламан. Тўлқин-телефон орқали аэропортга бурилишдаги ДАИ қароргоҳига хабар берилган эди, йўлнинг ўртасида турган икки автоинспектор у машина ва ерга етмасдан маҳаллага бурилиб кетганини айтишди. Маҳаллани кездик, «қочқор» йўқ. Бояги автоинспекторлар уни тўхташга улгурмагандан уялгани учун «ўтмади» деб қўяқолишга шекилли, деган фикр ўтди ҳаёлимдан. Холбуки, уларнинг уялишига асос ҳам йўқ: хўш, шомолдек елиб келаётган машинани қандай қилиб мажбуран тўхтатиш мумкин. Е йўлга кўндалик юк машинасини қўйиш керак, аки қувиб етиб олиш керак. Амолди ДАИда бу

зиди Ленин ноҳиясига кетишартиганимиз.

Савол туғилди: машинага сарфланган бензин учун ҳақ директорнинг чўнтағидан тўланадими ёки сурхондарёлик арақхўр меҳмонининг чўнтағидан! Жавоб тайини: унисдан ҳам, бунисдан ҳам эмас, совхоз ишчиларининг чўнтағидан тўланади. Ҳа, беш йилдан бери жамиятимизни қайта қураётган бўлишимизга қарамай, биз айриллар ҳануз ким ким учун меҳнат қилаётганини, ўз киссаси билан давлат кассасини ақратиб ололганмишга йўқ.

Соат 24.30. Машинадаги тўлқин-телефондан яна бир шум хабар эълон қилинди: «П 51—72 ТН» номерли яшил «Об» Бухоридан олиб қочилди. Кетма-кет яна хабар: «Западня кўчасида бир қиз ўзини машинадан ташлаган. 16-шаҳар касалхонасига олиб борилди. Савол-жавоб бўлаётди, қўшимча хабар қиламан». Орадан икки минут ўтгач тўлқин «яхши» хабар етказди: «П 58—29 ТН» машинаси Жомий кўчасида топилди. У қидириш рўйхатидан ўчирилсин. — Бу машина қачон ўғри-

қармасида ишлаган, етти ойдан бери ҳеч қерда ишлармасмишлар.

«Санъаткор» ва унинг ёнидаги йигит машинаси билан Сергели ноҳия ички ишлар бўлимига олиб бориб топширилди.

Туғи рейдада қатнашяётган бошқа бир машинадаги экипаж аъзолари келиб ҳол-аҳвол сўрашди. Сўбат, албатта, иш ҳусусида борарди.

— Мироллим, мукофотни қачон ювасан? — сўради Баҳодир.

— Ҳали олганим йўқ,— деди сержент.

Йўл-патруль хизмати инспектори Мироллим Миржалолов кейинги бир ойнинг ичиде иккита босқинчиликни, учта машина олиб қочишни бартараф этишга қатнашди: бу хизматлари эвазига 3 та буйруқ билан жами 600 сўм пул мукофотига тақдим этилди.

Бу кам-ку,— деган фикр ўтди ҳаёлимдан,— ахир у беш марта дедри ўлим билан юзма-юз борган. Тўғри, автоинспектор ўзининг кундалик вазифасини бажарган, лекин... ҳамма ҳам ўз вазифасини бунча бажарармайди.

Яна бир маст ҳайдовчи қўлга тушди. У ҳарбий офицер, катта лейтенант Александр Фадеев экан. Совет Армияси сафиде хизмат қилаётган бу йигит таътилда Тошкентга келибди, «қитта» отиб 29-57 ТНР номерли «Жигули»ни бошқариб бораётганда тўхтатилди. «Секин ҳайдовдан эдим, кечирақолинглар» дейди у мулоий. Лекин ҳаракат ҳавфсизлиги қондаларида «маст бўлиб секин ҳайдаш мумкин» деган банд йўқ.

Биз энди подполковник А. Ҳамидуллаев билан машинада рейд қатнашчиларининг қароргоҳларига бориб, умумий аҳвол билан танишиб юрибмиз. Соат 3. 6-январь. «Театральная» чорраҳаси. Ярим кеча бўлишига қарамай бу чорраҳа гавжум, чунки икки қақирим нарида пойтахт аэропорти. Тўлқин-телефон ишларди: «22—20 ТН» номерли оқ «011» автоинспекторга буйсунмай қочди, пединститут ёнидан маҳаллага бурилди. Рейд раҳбари ҳам машинасида ардамага шошилди. Маҳаллада кўча қўп, фақат тасодиф туғайлигина қочқоққа рўпара келиб қолиш мумкин. Йўқ, тасодиф рўй бермади. Милиция яна доғда қолди.

Ана энди, милиция доғда қолаётганига сабаб бўлиши катта бир дардин айтиш керак: техника қучсиз.

Хўш, нима қилиш лозим!

— Биз ўтган йили шаҳар чқроия комитетидан ардам сўрадик,— дейди А. Ҳамидуллаев.— Везиятни тушунирдиқ. Улар тушунишди ва ижрокком ДАИга бозор фондидан 70 та енгил машина ажратишни сўраб апрель ва сентябрда икки марта Узбекистон ССР Министрлар Советига мурожаат этди. Натига бўлмади, ҳануз йўқ. Тошкент шаҳрида жамоат тартибини мустаҳкамлаш тўғрисида яқинда чиқарилган қарорда шаҳар милициясига 135 та енгил машина ажратиш айтилган. Бироқ ундан ДАИга беш-ўнтагина тегади ва бу билан аҳолини ўнглаб бўлмайди.

Ҳа, аҳвол очор. Буни мен ва газетхон юқоридеги мисолларда кўрдик. Ҳозир ДАИ-да 58 та автотомобил бор. шундан 21 тасининг фойдаланиш муддати (10 йилдан ортик) тулаган. Уларни рўйхатдан ўчиришга акт ҳам ёзилган, лекин, ўрнига янгилик йўқлиги сабабли ҳануз фойдаланилмоқда. Масалан, юқориде айтилган рейдларда

ҳар бир ноҳияга камида 10 тавдан машина тақсимласа, милицияга буйсунмаган тартиб-бузарлар ва жиноятчиларни дедри юз фонд тутиш мумкин: бу қўчадан қочса унисда қочқонига учрайверади. Ҳозир эса бунча имконият йўқ. Бу муаммо Иттифоқ миқёсида ҳал этилса янада мақсадга мувофиқ бўларди: Тольяттидаги автотомобил заводи, масалан, СССР Ички ишлар министрлигининг бююртмаси бўйича энг замонавий ва тезюрак мажбурият машинадан 40—50 минг тайёрлаб берса ва у машина бошқа олмавий ишлар чиқарилмаса. Милиционер ёнида бунча машина турганини кўрган ҳар қандай жиноятчи қочиб айбини оғирлаштиришга журъат этолмайди.— тўхташга мажбур бўлади. Чунки милиционер чопқир машинада унга шубҳасиз етиб олишини билади.

Бу — орау. Ҳозир эса нақд имконият — бор машиналар билан ДАИни керагича таъминлашдиқ.

Тўлқин-телефон тилга кирди: «Бир юз йигирма уч, ноль тўрттинининг кабинетига қўнғироқ қилар экансиз».

Ҳамидуллаев чап қўли рулда, ўнг қафтида трубкани қўтариб, кўрсаткич бармоғи билан номер терди: «Урайим ака, ишляпмиз, соат олтида постлардан оламит, олти яримда ҳамма ички ишлар бошқармасида бўлади».

Соатга қарайман: йигирма минут кам беш. Ҳамон ёлғир қуйяпти. Тошкент кўчалари уйғоқ. Милиционер-автоинспекторлар уйғоқ. Шаҳар Ички ишлар бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Урайим Абдуғаниев уйғоқ — рейдга раҳбарлик қилмоқда. Милициянинг оддий иш туни. Утган йилнинг октябр ойида 400 тага яқин енгил автотомобил ўғрилганган, олиб қочилган эди. Ноябрь-декабрда 46 та босқинчилик, талончилик, ўғирлик қўш этилди. Буларнинг қўпи 23—25 декабрда ўтказилган уч кунлик операцияда очилди.

ДЕМАК, бунақа операцияларни тез-тез ўтказиб туриш керак. Бунинг учун эса яхши жиҳоз, техника ва мукамил автотомобиллар зарур. Шунингдек Узбекистон Жиноят кодексининг автотомобил билан босқин жиноят ҳақидаги бандини ҳам мукамаллаштиришнинг вақти, деб ҳисоблаймиқ. Ҳозирги кодексда автотомобил ўғрисига 200 сўм жарима ёки 1—3 йил озодлиқдан маҳрум этиш жазоси белгиланган. Бозорда 20 минг сўм бўлган автотомобили ўғрилган шахсини 200 сўм билан жазолаш ниҳоятда кулгили ва... аялиқ деганими! «1—3 йил» деганичи? Жиноят кодексимиздаги мана шу «...дан-гача» терговда суистеъмолликларга йўқ очиб беришти, бир жиноят иккинчи жиноятни туғдиримоқда. Терговчи айбланувчидан 5—10 минг сўм олиб, айблаш фикрини уч йил эмас, балки бир йил жазога тўғрилаб қўяди, судья... 200 сўм жаримага тўғрилаш мумкин. Олам гултистон. Қарабсизки, сик ҳам қуйайди, қабоб ҳам...

Нега Жиноят кодексининг бу бандини «1000 сўм жарима ёки 2 йил қамоқ жазоси» деб янгилаштириб, суистеъмолликлар дарчасини ёпиш мумкин эмас!

Ҳамроҳим тўлқин-телефон тугмасини босиб ГАИ бошқармасининг навбатчисидан сўради:

— «Тошкент—9», бугун аҳвол қанча?

— Ун бир, бир, ўн.

Яъни ўн битта автотомобил содир бўлган, бир киши ўлган, ўн киши ярадор.



икки имконият ҳам йўқ. Учинчи усул — «типратикан» йўлга тўшаб тутиш мумкин.

Махсус мослама «типратикан»нинг тикан найзалари автоомбилнинг тўрттала гилдирагини тешиб ишдан чиқаради, вассалом. Юқори тезликдаги машина бунда ағдарилиб кетиши мумкин. Хавфли. Шунинг учун бу усулни қўллашни қонун руҳсат этмайдик. Ким биледи, машина нега автоинспекторга буйсунмади: унинг ичиде шунчаки эрмакни ҳавас қилган енгилмак оддий ҳайдовчи ўтирибдими ёки хавфли жиноят-

ланган эди! — сўрайман ҳамроҳимдан.

— Бугун соат 20.30 да. Тўқимачи кўчасидан олиб қочилган.

Баҳодирнинг башорати тўғри чиқди: соат 24 дан кейини иш тобора «қизиб» бораверди. Оқ «фургон-жигули» (34—86 ТШК) тўхташ ишорасига буйсунмай Кўйлик томонга кетди. У эски, зўра юраётган бўлишига қарамай тўхтамай «қочкини қизик эди: ноҳотки ҳайдовчи кўзининг рўпарасида турган ДАИнинг «Волга» ва «Жигули»ларини кўрмаган бўл-

са.

Ҳа, у... қўролмайдиган даражада маст экан!

Иккита машина билан қисиб тўхтатилган фургондан икки киши тушди. Бирини оёғи чилишди, тили гилдираб автоинспекторга дўқ қилди, иккинчиси — сорғоқ кўрингани ҳам буйсунмаётган эди, елкасига дубинка тушди. Шунда мен Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг ўтган йилдаги қарориде милицияга дубинка ишлатиш ҳуқуқи бекорга берилмаганини чуқур хис қилдим. Оёғида зўрага турган, исми-фамилиясини базўр эслайдиган бу одамнинг машина ҳайдаб бораётганини, эриш туюлса-да палидлик деб аташ керак. Ахир у ҳозир тўхта-тилмагенида сажикс қадам нарида ё фалокатга учраб, ёки пидваларини босиб, бир ёки бир неча одамнинг ҳаётига завола бўлиши ҳеч гап эмас-ди-ку!

Хўш, ким бу бойвачча?

Савол ҳали берилмасидан туриб у ўзини танита бошлади: — Ме-мен ашулчакан, мен сизларнинг ҳам пулигинизни олганман, ме-еен санъаткорман.— Хужжатларини олинг, ўртоқ ашулчи! — Ме-ме-мен, биласанларим, Аҳмаджоннинг ақсимаи.— Ким у, Аҳмаджон! — Сер-гели ГАИсиде ишляйди, те-нимайсанларми! Аҳмаджон Назаров.

«Санъаткор»нинг ўзлари Ад-ҳам Назаров эканлар, илгарини Сергелидаги 7-қурилиш бош-

Эрталаб шаҳар бўйича бир кулик умумий маълумотини олиш учун Ички ишлар бошқармаси билан бошландим.

— Элликта жиноят содир бўлган, 28 таси очилган, 6 та машина ўғирлаб кетилган. Фавқулодда ҳодисалар йўқ. Тун нисбатан тинч ўтди.

Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ.

# ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА

## Душанба

15 ЯНВАРЬ

УзТВ I

17.30 Рус тили дарслари. 18.05 Мультифильм. 18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. 19.00 Сенинг партия билетинг. 19.30 «Ахборот». 19.50 Фанга бағишланган умр. 20.20 Еркин хотира. 20.30 «Ахборот». 20.50 Чолгу куйларидан концерт. 21.30 Шерият дафтаридан. 21.30 «Время». 22.00 Кино... Кино... кино... 22.20 Янгиликлар.

УзТВ II

19.00 Спорт программаси. 20.50 Хужжатли фильм. ФРУНЗЕ кўрсатади: 21.30 «Время». 22.00 Хараактеристика. Бадий фильм.

MT I

16.00 Хужжатли фильм. 16.50 Концерт. 17.10 Болалар соати. 18.15 Фильм-концерт. 19.00 «Время». 19.30 П. И. Чайковский. «Шелкунчик». Спектакль. 21.30 «Время». 22.00 Суз. Адабий-бадий видеоанал.

MT II

17.30 Чағни спорт. 19.00 «Время». 19.30 Янги номлар. 20.40 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.50 Янги номлар. (Давоми). 22.10 Киноальманах.

## Сешанба

16 ЯНВАРЬ

УзТВ I

17.30 Фильм-концерт. 18.05 Мультифильм. 18.40 Чорвадор программаси. 19.15 СССР халқ депутатининг ҳисоботи. 19.30 «Ахборот». 19.50 Болалар ва китоб. 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбек куйларидан концерт. 21.30 «Время». 22.00 Амалий двра сўхбати. 22.40 «Ёшлик» студияси кўрсатади.

УзТВ II

19.00 Давр талаби билан. 20.50 «Тошкент» студияси кўрсатади.

ДУШАНБЕ КўРСАТАДИ:

21.30 «Время». 22.00 КПСС XXVIII ва Тожикистон Компартиясининг XXI съездлари олдидан.

MT I

7.00 «120 минут». 9.05 Дубровский. Бадий фильм. 1—2 сериялар. 11.15 Мультифильм. 11.40 Бу бўлган... бўлган... 11.55 Болалар соати. 12.55 Коллаж. 13.00 «Время». 13.30 Савҳатчилар клуби. 16.00 Мушқий хазина. 16.50 Хужжатли фильм. 17.15 Фалсафий сўхбатлар. 18.00 Дунё болалари нималар ҳақида кўйлашди. 19.00 «Время». 19.30 Ёшлар хабарномаси. 20.00 Рассом устахонасида. 20.25 Дубровский. Бадий фильм. 1-серия. 21.30 «Время». 22.00 Долзарб интервью. 22.10 Ҳаммасига оперетта сабаб. 23.20 Хужжатли фильм. 23.45 Бизнинг бурчимиз.

MT II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.35 География. 10.05 Француз тили. 11.05 Француз тили. 11.35, 12.35 География. 12.05 Исикк нон. 13.05 Эски янги йил. Бадий фильм. 1-серия. 14.15 Хужжатли фильм. 14.40 Ритмик гимнастика. 15.10 Таквадор Марта. Бадий фильм. 1-серия. 17.30 Концерт. 18.00 Депутат портрети. 18.30 Ритмик гимнастика. 19.00 «Время». 19.30 Туркманистоннинг туристик йўллари. 19.45 Хороши фольклор хореография ансамблининг концерти. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин,

кичкинтойлар! 20.45 Шоҳсулалли пейзаж. 21.10 СССР—АҚШ ёш композиторларининг фестивали. 22.00 Анор ранги. Бадий фильм. 23.40 Хоккей. МАСК — «Динамо» (Рига).

## Чоршанба

17 ЯНВАРЬ

УзТВ I

11.30 Физика. 12.00 Фан йўлида. 12.30 Химия. 13.00 Таъшишли киш. Бадий фильм. 17.30 Уқитувчи экрани. 18.05 Инсон болаликдан бошланади. 18.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. 19.30 «Ахборот». 19.50 Дўстларимиз диверда. 20.30 «Ахборот». 20.50 Аънааналар эътида давом. 21.30 «Время». 22.00 Абдулла Қодирий таваллудининг 95 йиллигига бағишланган юбилей кечаси. 24.00 Янгиликлар.

УзТВ II

19.00 Автопортрет. 19.40 Социалистик ҳуқуқий давлатнинг шакллантириш шароитида ҳуқуқий умумтаълимнинг долзарб муаммолари. Бутуниттифоқ илмий-амалий конференцияси. 20.00 Йўқолган хазина. Бадий фильм.

ФРУНЗЕ КўРСАТАДИ:

21.30 «Время». 22.05 Айнл кечтери. 23.00 Осий. Бадий фильм.

MT I

7.00 «120 минут». 9.05 Дубровский. Бадий фильм. 2—3 сериялар. 11.55 Дунё болалари нималар ҳақида кўйлашди. 12.15 Мультифильм. 12.25 Камалак. 13.00 «Время». 16.00 Мўъжизалар майдони. 16.50 Хужжатли фильмлар. 17.20 Мағия билан учрашув. 17.55 Болалар соати. 18.55 Коллаж. 19.00 «Время». 19.30 Тараққиёт. Ахборот. Реклама. 20.00 Мультифильм. 20.20 Дубровский. Бадий фильм. 2-серия. 21.30 «Время». 22.00 Долзарб интервью. 22.10 Инсон ва қонун. 23.25 Эстрада программаси. 23.45 Бизнинг бурчимиз.

MT II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.35 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 10.05 Немис тили. 11.05 Ненис тили. 11.35, 12.35 Умумий биология. 12.05. Чўкиб кетган шаҳар сирри. 13.05 Эски янги йил. Бадий фильм. 2-серия. 14.10 Хужжатли фильм. 14.30 Таквадор Марта. Бадий фильм. 2-серия. 15.40 Асраб-авайлаб. Фильм-концерт. 17.30 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 18.10 Телевизион хазинасида. 19.00 «Время». 19.30 Нафосат йўллари. 19.55 Концерт. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Д. Брубек. Икки фортепьяно учун композиция. 20.55 Хужжатли фильм. 21.15 Халқ куйлари 21.30 Юкте манбаи. 22.00 Менинг ҳаётим. Бадий фильм. 1-серия. 23.05 Телевизион мушқий абонементи. 00.10 Баскетбол «Босна» (Югославия)—МАСК.

## Пайшанба

18 ЯНВАРЬ

УзТВ I

11.30 Умумий биология. 12.00 Телефильм. 12.30 Йўқолган хазина. Бадий фильм. 17.30 Эстетика асослари. 18.05 Шоҳирлар болаларга. 18.45 Хонадон ва унинг соҳиб. 19.15 Комсомол прожектори. 19.30 Ахборот. 19.50 Водийларни кезганда. Адабий композиция. 20.30 «Ахборот». 20.50 Концерт. 21.30 «Время». 22.00 Амалий двра сўхбати. 22.40 «Тошкент» студияси кўрсатади. 23.50 Янгиликлар.

УзТВ II

19.15 Циркада байрам. 20.30 Ростов лавҳалари. 20.50 Социалистик ҳуқуқий давлатнинг шакллантириш шароитида ҳуқуқий умумтаълимнинг долзарб муаммолари. Бутуниттифоқ илмий-амалий конференцияси.

ФРУНЗЕ КўРСАТАДИ:

21.30 «Время». 22.00 Муртад. Бадий фильм. 1—2-сериялар.

MT I

7.00 «120 минут». 9.05 Дубровский. Бадий фильм. 3—4-сериялар. 11.15 Шимол, Сибирь ва Узоқ Шарқ халқлари миллий санъати байрами. 11.45 Мультифильм. 11.55 Болалар соати. 12.55 Коллаж. 13.00 «Время». 13.30 Инсон ва қонун. 16.00 Савраска. Бадий фильм. 17.05 Интеграция. ташаббускорлик, тадбиркорлик, даромад. 17.35 Қўйил. Мария. 18.50 Мультифильм. 19.00 «Время». 19.30... 16 ёшгача ва ундан катталар. 20.15 Ж. Верди. Такдир кучи операсига увертюра. 20.25 Дубровский. Бадий фильм. 3-серия. 21.30 «Время». 22.00 Долзарб интервью. 22.10 Менинг Чайковскийим.

MT II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 1931 йил ноқторини. 9.35, 10.45 Табиатушносик. 9.55 Испан тили. 10.25 Вулқонлар мамлакатига. 11.05 Испан тили. 11.35, 12.35 Биология. 12.05 Илмий-оммабоп фильм. 13.05 Киноальманах. 14.20 Ритмик гимнастика. 14.50 Хавфли Бурилиш. Бадий фильм. 16.05 Тарихдан имтиҳон. 17.30 Дил куйини куйлаймиз. 17.50 Мультифильм. 18.05 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 19.00 «Время». 20.00 Ритмик гимнастика. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Россия тарихи ҳақида. 22.00 Менинг ҳаётим. Бадий фильм. 2-серия.

## Жума

19 ЯНВАРЬ

УзТВ I

11.30 Ботаника. 12.00 Телефильм. 12.30 Ўзбек совет адабиёти. 13.00 Нина. Бадий фильм. 17.30 Телефильм. 18.05 Болалар учун концерт. 18.25 Ичкара — койи фойда. 19.00 Демократия йўлидан. 19.30 «Ахборот». 19.45 Унутилмас сатрлар. 20.30 «Ахборот». 20.50 Тил — маданият кўзгуси. 21.30 «Время». 22.00 Концерт. 23.15 Янгиликлар.

УзТВ II

19.00 Муваффақият омил. 19.30 Надежда. Бадий фильм. 21.05 «Ёшлик» студияси кўрсатади. ДУШАНБЕ КўРСАТАДИ. 21.30 «Время». 22.00 Янги йил байрам программаси. (31 декабрдаги кўрсатув такрорланади).

MT I

7.00 «120 минут». 9.05 Дубровский. Бадий фильм. 4-серия. 10.10 Концерт. 10.40 Хужжатли фильмлар. 11.10 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 11.55 Инсон институти. 13.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати. 16.00 Рассом И. Гушчининг такдир ҳақида. 16.40 Халқ куйлари. 16.55 Революция майдони. 2-уй. В. И. Ленин Марказий музейининг янги экспозициялари ҳақида. 17.40 Қувноқ стартлар. 18.25 Ҳокимият —

Советларга! 18.55 Коллаж. 19.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати. 19.30 Хужжатли фильм. 20.15 Шерият ҳақдалари. 20.25 Дубровский. Бадий фильм. 4-серия. 21.30 «Время». 22.00 Долзарб интервью. 22.10 Бу бўлган... бўлган. 22.35 «Нигоҳ». 00.05 Концерт

MT II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.35 Мусиқа. 10.05 Инглиз тили. 11.05 Инглиз тили. 11.35, 12.35 География. 12.05 Инглиз тилида ҳужжатли фильм. 13.05 Киноабадент. Анор ранги. Бадий фильм. 14.40 Хотира. 15.00 Такрорий телефильмлар экрани. Танга. Телевизион бадий фильм. 17.30 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 18.25 Мультифильм. 19.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати. 19.30 Спорт программаси. 19.50 Баскетбол. «Динамо» (Москва) — «Калев» (Таллин). 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.40 Майдон. Спорт программаси (2-қисм). 21.30 Мультифильм. 21.45 Спорт ҳамма учун. 22.00 А. П. Чеховнинг — экранлаштирилган асарлари. 23.20 Хоккей. «Спартак» — «Динамо» (Москва).

## Шанба

20 ЯНВАРЬ

УзТВ I

9.00 «Ассалому алайкум». 10.00 Телефильм. 10.30 «Тошкент» студияси кўрсатади. 12.00 УзССР халқ артисти Маммура Эргешева рақсга тушади. 12.30 Ёш олимлар телеклуби. 13.25 Офат ва нажот. 18.00 Тенгдошлар. 18.45 «Мультипанорама». 19.30 «Ахборот». 19.50 Ўзбек тилини ўрганиши. 20.20 УзССР Ички ишлар министрлигининг матбуот маркази хабар қилади. 20.30 «Ахборот». 20.50 Мусиқий программа. 21.30 «Время». 22.00 А. Қаҳдор. «Тобутдан товуш». Спектакль.

УзТВ II

ДУШАНБЕ кўрсатади  
9.00 «Савту қалом». 9.55 Кинопрограмма. 10.55 Фильм-концерт. 11.55 В. И. Ленин. Ҳаёти саҳифалари. 18.00 «Лабиринт». 18.40 Мультифильм. 19.00 «Новости». 19.20 Театр санъат жумҳурият фестивали. 20.00 «Ахборот». 20.20 Телефильм. 20.45 Езудик ва ҳаёт. 21.30 «Время». 22.00 Концерт. 23.20 Биринчи қор. Телевизион бадий фильм.

MT I

7.00 «120 минут». 9.05 Онам, дадам — ва мен. 9.35 Уя академияси. 10.05 Йил фаслари. 11.05 Хужжатли фильм. 11.25 Мўъжизасиз мўъжизалар. 12.25 Концерт. 12.55 Хужжатли — публицистик фильм. 14.05 Ғолиблар. 15.05 Концерт. 15.55 Максим Перепелца. Бадий фильм. 17.25 Мультифильмлар. 17.55 Камалак. 18.30 Халқаро панорама. 19.15 Г. Свиридов. Кичик триптих. 19.25 Жинжер ва Фред. Бадий фильм. 21.30 «Время». 22.00 Эфирда мусиқа.

MT II

8.30 Эрталабки гимнастика. 8.45 Хужжатли фильм. 9.15 Украина ССР Давлат телерадио. 9.55 Қилич ва қалқон. Бадий фильм. 1—2-сериялар. 13.00 Олам ва экология. 15.00 Эфирда — Совет Россияси ви-

деоканали. 17.30 Остоженкода қизил «қодрларда». 18.35 Мультифильмлар. 19.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати. 19.30 Рассомлар ҳақида ҳикоялар. 19.45 «Пи» белгиси билан. 1-қисм. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 «Пи» белгиси билан. 2—3-қисмлар. 23.30 Миллий баскетбол ассоциацияси профессионаллари ўртасида баскетбол бўйича АҚШ чемпионати. 00.30 Тунги севас. Кинонинг унутилмас саҳифалари.

## Якшанба

21 ЯНВАРЬ

УзТВ I

9.00 «Ассалому алайкум». 10.00 Хужжатли экран. 10.35 Спорт программаси. 11.35 Инсон ва табиат. 12.05 Мусиқий программа. 12.45 Вевосите тмулоқот. 13.45 Самарқанд тамғаси билан. 14.45 Иморат пойдевордан бошланади. 15.15 Реклама. 18.00 Концерт. 18.40 Теленовелла. 19.30 «Ахборот». 19.50 Ленин, партия, Ватан ҳақида кўшиқлар. 20.30 «Ахборот». 21.30 «7 кун». 22.30 Бир планетада. Бадий фильм.

УзТВ II

ДУШАНБЕ кўрсатади  
9.00 Мусиқий ахборот. 10.05 Реклама. 10.15 Болалар учун кўрсатув. 10.45 Фильм-концерт. 11.55 В. И. Ленин. Ҳаёти саҳифалари.

ФРУНЗЕ кўрсатади

16.05 Мультифильм. 16.30 Фильм-концерт. 17.10 Комиссар. Бадий фильм. 19.00 Эстрада оҳанглари. 19.40 Телефильм. 20.00 «Жети кун». 20.30 Баскетбол. СССР чемпионати. «Динамо» (Фрунзе) — АСК (Киев). 21.30 «7 кун». 22.30 Ж. Содиков. Манастин уулу Семетей. Спектакль.

MT I

8.30 Спорт ҳамма учун. 8.45 МДСО челади. 9.10 «Спортлото». 9.30 Болалар учун кўрсатув. 10.30 Ватан хизматиде. 11.30 Авторлик кўшиқлари. 12.00 Альманах. 13.00 «Здоровье». 13.45 Педагогика — ҳаммага. 14.45 Ғалабанинг 45 йиллигига. Фронтдан салом. Бадий фильм. 16.05 Мультифильм. 16.15 Қишлоқ янгиликлари. 17.30 М. Горький. «В. И. Ленин». 18.30 Болалар учун фильм. 19.50 Хужжатли фильм. 21.00 Концерт. 21.30 «7 кун». 22.30 СССР Давлат симфоник оркестри ижро этади.

MT II

8.30 Зарядкага сафларнинг. 8.50 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 9.50 Киножурнал. 10.00 СССР халқ артисти И. Ойстрах челади. 10.30 Қилич ва қалқон. Бадий фильм. 3—4 сериялар. 13.00 Концерт. 14.00 Хужжатли фильм. 14.30 Студиямизда Қора Қорее номи Озарбайжон Давлат камер оркестри. 15.00 Эфирда — Совет Россияси видеоканали. 17.30 Халқаро программа. 18.30 Тараққиёт. Ахборот. Реклама. 19.00 Иттифоқдош республикалар кинобулдистикаси. 19.30 Биз шавҳатан олам. Режиссёр В. Виноградов фильмлари. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45 Тоғ чағни спорт. 21.30 «7 кун». 22.30 Инкилоб фуқаролари. Бадий фильм. 24.00 Хоккей. «Динамо» (Рига) — «Химки».

# ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА

**КАВАРДАНДА ЯНГИ КЛУБ**

● ИЛГАРИЛАРИ «Политотдел» колхозининг иқтисодий бақуватлиги, маркази тобора ободонлашиб бораётганлиги ҳақида кўп ёзилган. Аммо унинг участкаларида аҳоли ночорлиги тўғрисида лом-мум дейилмасди. Эндиликда қишлоқларда ҳам турмуш тарзи ўзгармоқда.

Яқинда хўжаликнинг Кавардан участкасида янги клуб фойдаланишга топширилди. 300 ўринли бу маданий муассасани 12-хўжаликлараро механизациялашган кўча колонна курувчилари қуриб бердиши.

Ж. ХОЛМАТОВ.

**ДАРЕ УСТИДА КЎПРИК**

Серго номли совхоз меҳнатқашлари ноҳия марказига бориш учун бир соатдан кўпроқ вақтларини сарф этишарди. Чунки автобуслар Олмалик шаҳри орқали катнар эди. Эндиликда бу масофа икки барабар қисқарди. Сабаби, Оҳангарон дарёси устида янги кўприк қурилиши билан тугалланиши биланоқ Оҳангарон шаҳридан Нуробод посёлкаси орқали Серго номли совхозга қатновчи янги маршрут очилди. Бу йўналишда 4 та автобус қатнамоқда.

М. МУЗАФФАРОВА.



РАҚҚОСА ҚИЗЛАР. А. РИСҚИЕВ сурати (ЎзТАГ).

**• Киноя •**  
**ҲАЙКАЛ** УЧ ШОИР ВА БИТТА ШЕЪР

Ҳақиқатга қўйлик ҳайкал —  
Адолатга сўнмас ағдорлик.  
Н. Нарзуллаев, «Ҳақиқат».

Йўқлаб, чорлаб дўстларин ҳар гал,  
Чин дўстликка қўйлик ҳайкал.  
Н. Нарзуллаев, «Дўстликка ҳайкал».

Шу хислатни кўрганда ҳар гал,  
Қўйгим келар дельфинга ҳайкал.  
Н. Нарзуллаев, «Дельфинлар».

Эски паҳса деворни Ағдариб ерга солдик.  
Уша ердан кузда биз Юқори ҳосил олдик.  
Ҳайкал қўйгим кесакка.  
Ҳосилнинг ташинида Эшагиниз иш берди.  
Дадам эшак шинга Энг зўр баҳо — «беш» берди.  
Қўйгим ҳайкал эшакка.  
Бир эчким бор аюқиниб,  
Сут беради бир пақир.  
Еш болали оилга Кони фойда бу ахир!  
Ҳайкал қўйгим эчкимга.  
Каминангиз ҳеч қачон Кўкдан эҳсон кутган йўқ.  
Менинг барча ҳайкалим Ҳали чала, битган йўқ.  
Билдирманглар ҳеч кимга.

Етоқхона, кроват,  
Соҳиқ-тошбаблар тоза,  
Комиссия келиб турса,  
Бўларкан роса маза.  
Яхшимурод Давронов,  
«Комиссия келганда».

Комиссия келганлари  
Бизлар учун хўи ёқди-да  
Қани энди келиб турса  
Комиссия ўз вақтида.  
Бердимурод Юсупов,  
«Комиссия келганда».

— Уғлим, шундайин ҳар кун?  
Бахтларинг кўп кулган-да!  
— Яйрадик, фақат бугун —  
Комиссия келганда...  
Баҳодир Уринов,  
«Комиссия келганда».

Ростин айтсам сизларга,  
Роса чонди опамлар.  
Уша кунин ҳар қалай  
Чора тоғди опамлар.  
Биринчи бор тарихда  
Мазали тушлик бўлди.  
Ширинликлар бир талай,  
Шўрвамиз гўштлик бўлди.  
Секин пастга тушдилар,  
Уйинчоқлар балавддан...  
Комиссия келганда  
Шу кунин Самарқанддан.  
Учта шоир бир кунда  
Бундан хабар топилди.  
Учта шоир бошида  
Аммо битта шеър «пишди».  
Абдуразоқ ОБРЎЕВ.

Бир кунин яқин танишим менга бир воқеани сузлаб берди. Унинг ўғли Совет Армияси сафларида хизмат қиларди. Бош фарзанди бўлгани учунми, эри хотинга фарзандларининг ҳарбий хизматдаги икки йили ҳам бир бўлибди-ю, охириги ҳафталаб ҳам бир бўлибди. Тиқ этса эшикка қараб ўтиришар экан.

— Уша кундаги пойлашимизни бир тасаввур қилсангиз эди, — дейди танишим. — Келиноингиз менга сездирмасликка ҳаракат қилса ҳам, эшик беҳосдан очилиб кетса ҳам кўчага қараб югуради дег. Бунинг устига армиядаги фарзандимизнинг укаларини айтмайсизми?

Бир кунин ишдан қайтсам эшик тақиллаб қолди. Югуриб чиқдим. Қарасам қўлида чемодан тугган норғул йигит турибди. Нуқул илжазди дег:

— Қани суюнчинини қўзинг акажон!  
Машина ёнида турган ўғлимни кўриб қувониб кетдим. Бир аумда унимиз тўйхонага айланиб кетди. Қўни-қўшиллар чиққиди. Шу пайт ҳалғи йигит яна олдимга келиб иршайганича:

— Қани солдат отаси! Суюнчисини нима бўлади! — деб қолди. Унинг гапини эшитиб келиноингиз бир зумда тўн билиг дўпинин олиб чиқди. Бунини кўриб ҳалғи йигит:

— Ҳимматини Баланд қилинг келиноий. Шундай ўғлингиз қайтиб келса-ю, сиз...  
Унинг шаъмасига тушуйиб мен ёнимдан 25 сўм чиқариб узатдим. Йигитнинг эса пешонаси тиришди.

— Ака, ҳозир суюнчи 50 сўм бўлган.  
Мен ҳайрон бўлиб қолдим. Нима демоқчи ўзи? Вокзалдан уйимизгача нари борса уч сўмлик йўл. Нега бунча беш панжасини озгига тикмаса? Мени ҳолатимни сезиб, йигит жеркиди:

— Уйилбола бир марта келади армиядан, яхши ният билан келувдик, яхши ният билан кетайлик.

— Қўйинг дадаси, шундай яхши кунда-я, қаранг қўшиллар қарашаяпти. Сизда йўқ

бўлса мен бераман, деди хотиним.

У югуриб кириб пул олиб чиқди-да, ҳалиги нусхага берди. У эса эшилди пулни оларкан юзсизларча ишлайиб «Раҳмат опажон, яна яхши кунларингизда хизмат қилайлик», дея кекса-қарилардек фотиҳа ўқиб чиқиб кетди. Шундай қувончли кундағи унинг бу қилиги қўни-қўшилларнинг, шу жумладан менинг ҳам кайфиятимни

• Муҳокама учун мавзу

**СУЮНЧИХЎРЛАР**

бўзди. Бироздан сўнг келди-кетди билан бўлиб, бу нарса ёнимдан чиққандек бўлди. Лекин кечга яқин солдатликдан қайтган ўғлим олдимга келиб, гуноҳкорона: — Дада, сизни ҳам қийин аҳолга солиб кетди-да, анави, — деди.

— Нима деясан? — тушунмай сўрадим.

— Бояги ҳайдовчи-да.

Ҳа, ўғлимга бу нарса ёмон таъсир қилган чамаси, ўзини ноқулай сезарди.

— Ҳечқисси йўқ ўғлим, — дея уни тинчитдим. — Ҳаммасига тайёргарлик кўриб қўйгандик. Ота ўз фарзанди учун нималарни қилмайди. Кўнглингдан чиқариб юбор.

— Қўлингизда бормиди-йўқмиди дейман-да дада. Укаларим ҳали ёш бўлса.

— Москва — Тошкент поездида чиқувдик. Тошкентга етиб келганимизда икки-уч йигит перронда юрган экан. Биз солдатларни кўришлари билан «талаш» бўлиб

кетдик. Уша пайтда икки киши бир солдатни талашиб, чемоданининг ушлагичини узиб юборишди. Анави йигит эса қўлимдан чемоданимни олиб қўйди. Агар бунақа бўлишини билганимда сира ҳам ўтирмадим машинасига.

Танишим ҳиёясини тугатар экан, секингина:

— Мени майда гап экан, деб ўйламанг. Гапирмишга ҳам арзимасди-ку, айтдим-қўйдим-да — деди.

Сўхбатдан кейин кайфиятим бузилди. Қачонгача энг яхши урф-одатларимиз қандайдир ўз эмигилдонини ўйлайдиган юлғич кишилар қўлида ўйинчоқ бўлади. Менимча суюнчи бу қадимдан қолган ўзбекона одат. Илгарилари ким биринчи бўлиб яхши хабар етказса уша суюнчи олар эди. Бунини ҳеч ёмон томонини йўқ. Мен баъзида уч-тўртта болакайларнинг «Суюнчи беринг, суюнчи!» дея қичқиришларини эшитсам, беихтиёр ёшлик йилларим ёдимга тушади. Биз суюнчига бирон ширинликми, ёки бўлмаса егуликми олардик-да, уша уй эгасининг қувончига барабар шерик бўлардик. Ҳеч қандай тамагирлик деган нарса бўлмасди. Юқоридаги суюнчи олгани келган йигитнинг ҳатти-ҳарвакати гирт таъмагирлик-ку. Жуда, бўлмаганда уй эгасининг берганини олиб кетарвермай, шунча берсанг бердинг, бўлмаса кетмайман дейиши инсофдоним!

Яхши аъаналаримизнинг йўқолиб кетиш сабабларини шу ердан қидириш керак деган фикрга келдим. Чунки, ҳар қандай яхши ушад ёмон шахс қўлида ўйинчоққа айланмаслиги керак. Бунинг учун ҳаммамиз биргаликда курашимиз лозим. Лекин йигитларимизни ҳарбий хизматдан келишларини пойлаб Тошкент шаҳрининг аэропорти ҳамда вокзалларига танда қўйиб қолган суюнчиқўрларга Тошкент шаҳар давлат автоном инспекцияси ходимлари ҳам бирор чора кўриб қўйсалар ёмон бўлмасди.

Неъмат РАФИҚОВ,  
Тошкент шаҳри.

**КИЧКИНТОЙЛАРГА АТАБ**

Туризм ва саяҳатлар Ўзбекистон кенгаши ихтиёрида ҳозир ўндан ортиқ меҳмонхона комплекси бор. Жумҳуриятимизнинг турли вилоятларида жойлашган бу меҳмонхоналар маданият ўчоқлари сифатида ҳам кенгайиб бормоқда.

Уларда болалар истикомати учун ҳам қатор кулайликлар мўжайиб этилмоқда. Болалар ҳордиқ чиқарадиган хоналар сони ортиб, ўйин майдончалари ташкил қилинмоқда. Масалан, Янгибод туристик базасида болалар учун алоҳида шинам майдончалар бунёд этилди. Уларда кичкинтойлар турли қизиқарли ўйинлар билан машғула бўладилар. Шунингдек, мультфильмлар кўрсатиладиган мўъжаз томоша зали ишга тушди. Туристик база яқин орада ўзининг Болалар кафесига ҳам эга бўлади.

С. ОДИЛОВА.

**ҲАЖВЧИ НИШОНГА ОЛАДИ**



● — Оганинга қараб гапир, бу қизиммас, учинчи хотиним!

● — Агар яна чақимчилик қилсанг...

Рауф АҲМЕДОВ ва Муроджон УНГАРОВлар чизган расмлар.



Муҳаррир  
Н. НАСИМОВ.

**ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ**

(«Ташкентская правда»)  
Орган Ташкентского обкома Коммунистической партии Узбекистана и областного Совета народных депутатов  
Издается на узбекском языке  
Редакция адреси: 700083, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.  
ТЕЛЕФОНЛАР: 33-40-48, 32-53-54 хатлар ва оммавий ишлар бўлими.